

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

АЗИЗХОДЖАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

**ТИЖОРАТЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.03.-Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси, халқаро хусусий ҳуқуқ
ихтисослиги

Магистр илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: ю.ф.д., профессор
Караходжаева Н.А.**

ТОШКЕНТ – 2012

М У Н Д А Р И Ж А.

Кириш.

1-БОБ. Тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчаси ва моҳияти .

1.1. Тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил тушунчаси.

1.2. Тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этилишини тартибга солувчи фуқаролик конун ҳужжатларининг умумий тавсифи.

1.3. Тижоратчи юридик шахсларнинг бекор бўлиши ўзига хос фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида.

2-БОБ. Тижоратчи юридик шахслар қайта ташкил этишнинг усуллари ва ҳуқуқий оқибатлари

2.1. Тижоратчи юридик шахслар фаолиятини қайта ташкил этиш усуллари.

2.2. Тижоратчи юридик шахслар қайта ташкил этилишнинг ҳуқуқий оқибатлари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда амалга оширилган туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятида Республика иқтисодиётини юксалтириш ва халқ турмуш фарвонлиги даражасини ошириш ётади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва истиқболда юксалишида юридик шахслар алоҳида ўрин тутади. Айнан юридик шахслар жамият аъзоларнинг йирик сармояларини бирлаштириш, кўп миқдордаги моддий неъматлар алмашинуви ва бу орқали катта даромад олиш эвазига мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида асосий субъект ҳисобланади. Фақатгина юридик шахслар тадбиркорлик учун кенг имкониятлар, салоҳият ва эркинликларга эга бўлади.

Шу муносабат билан юридик шахсларни ташкил этилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатлар бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳмиятга эга. Юридик шахсларнинг ташкил топиши янги ҳуқуқ субъектини вужудга келтириб, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда янги субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни пайдо бўлиши билан бирга, иқтисодий ривожланишга ўзига хос ҳисса қўшса, юридик шахсларнинг бекор бўлиши ҳуқуқ субъектининг барҳам топиб, мавжуд ҳуқуқий алоқалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кейинги тақдирини белгилаш ва кредиторларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш эвазига иқтисодий муносабатлардаги субъект фаолиятини якунлашига олиб келади.

Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши ҳар доим ўзига хос ҳаётий долзарбликни вужудга келтиради. Чунки бир ҳуқуқ субъектнинг барҳам топиши ва унинг ўрнига янги ҳуқуқ субъектнинг вужудга келиш ёки мол-мулкнинг кейинги тақдирини ҳал қилиш масалалари ҳар бир давлат учун ҳамма вақт муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зеро, ушбу муносабатларнинг мамлакатда қандай тартибга солинганлиги қараб, давлатнинг иқтисодий ривожланишини белгилаб олиш мумкин.

Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ муносабатлар долзарблиги яна шу билан белгиланадики, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши давлат учун бир вақтнинг ўзида ҳам салбий, ҳам ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши муассисларга иқтисодий зарар келтиради, шу юридик шахсда меҳнат қилувчи ходимлар, ёлланиб ишлайдиган ишчилар учун иш жойларини йўқотишлари ва даромад манбаларининг барҳам топишига, тадбиркорлик фаолиятидаги шериклар ва контрагентлар учун ишончли шерикдан айрилиш ва ўз фаолиятлари доирасининг чекланишига, давлат учун ишсизлар муаммоси ва солиқ даромадларининг камайишига олиб келади.

Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишининг ижобий томони шундаки, бунинг натижасида иқтисодий ночор, иқтисодий ва ҳуқуқий алоқаларнинг бузилишига олиб келувчи субъектлар тугатилиб унинг ўрнига янги субъект вужудга келтиради ёки барча ҳолатда зарар билан фаолият юритаётган субъектнинг мавжудлигига барҳам бериш эвазига, бозор муносабатларидаги қонунийлик, талаб ва таклиф, рақобат қонуниятларининг амалда бўлишига шароит яратилади.

Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ масалалар хусусида фикр билдириб мамлакатимиз Президенти, қуйидагларни баён этган эди:

- энг аввало, истикболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлсада, қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарурлигини ва бу йўл бозор талабига мутлақо ёт ва зиддир. Самарасиз ишлайдиган корхоналар қарздорлик гирдобига фақат ўзлари ғарқ бўлибгина қолмай, бошқа корхоналарни ҳам ортидан тортиб кетади¹.

¹ Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устувор вазифа.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 29 б.

Дарҳақиқат, қарздор корхоналарнинг тугатилиши шу корхона билан иқтисодий алоқада бўлган бошқа корхоналарнинг қарздорликдан қутулишига ёрдам беради.

Юридик шахс бекор бўлишининг қайта ташкил этиш ва тугатиш усулларидаги ўзига хосликларни назарда тутиб, юридик шахслар бекор бўлиши асослар, усулларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш жиҳатларини тадқиқ этиш лозим. Зеро, янгиланган фуқаролик қонунчилиги асосида юридик шахслар бекор бўлиши институтининг илмий-назарий жиҳатлари ва юридик шахслар бекор бўлиш усулларидаги умумийлик ва ўзига хослик ҳолатларини таҳлил этиш бугунги кунда цивилистика фани олдидаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган воқелик сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида юридик шахсларнинг барқарор фаолият юрита олмаслиги, талаб ва таклиф, рақобат қонуниятларига бардошлилиги юқори эмаслиги кузатилмоқда. Масалан, 2010 йил 1 январдан 2011 йил 1 январгача бўлган ораликда Тошкент шаҳри бўйича 3501 та юридик шахс тугатилган бўлиб, шулардан 3174 таси микрокорхоналар, 258 таси кичик корхоналар ва 69 таси бошқа турдаги корхоналар бўлган.

Мамлакатимизда тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ муносабаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлсада, бекор бўлишнинг асослари, усуллари, турлари ва тартиби турли хиллиги ва мураккаблигини назарда тутиб уларни муайян бир тизимга солинмаганлини, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни ва уларни амал қилиш механизми изчиллигини оширишни талаб қилади.

Шу билан бирга Республикаимизда Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этиш усуллари ва уларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари мавзусида илмий тадқиқот олиб борилмаганлигини, мазкур

ҳолатларни чуқур илмий, амалий ва комплекс таҳлил этиш заруриятини вужудга келтиради. Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишининг ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олиб ва юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишининг усуллари ва уларни амал қилиши мавзуси долзарб деб ҳисоблаш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши усуллари ва уларнинг амал қилиши муаммолари фуқаролик ҳуқуқи фанида алоҳида тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон янги миллий қонунчилиги базасида ўрганилмаган. Лекин, мазкур муаммонинг у ёки бу жиҳатлари мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан у ёки бу даражада тадқиқ этилган. Масалан, академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов юридик шахсларни бекор бўлишининг умумий жиҳатларини, концептуал асосларини тадқиқ этса, профессор И.Б.Зокиров қайта ташкил этиш ва тугатиш усуллариининг қисқача мазмунини очиб беради, Ш.Н.Рўзиназаров қишлоқ хўжалиги юридик шахсларни бекор бўлиши асосларини таҳлил этган.

Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши масалалари бўйича А.Шукруллаев тадқиқот олиб борган бўлиб, унинг тадқиқот иши фақатгина қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий тартибга солинишига бағишланади². С.Холбоев эса тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхоналарнинг бекор бўлиши масалалари билан шуғулланган бўлса³, Т.М.Туребеков жамоат бирлашмаларининг фуқаролик ҳуқуқи субъектчилиги нуктаи-назаридан уларнинг бекор бўлиши масалаларини⁴, С.С.Гулямов, Ж.И.Юлдашев, О.Тошевлар эса акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш ва

² Шукруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Юрид.фан.номз.... Дисс. – Тошкент: 2001. – 154 б.

³ Холбоев С.Б. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ-ҳуқуқӣ лаёқати. Юрид.фан.номз....дисс. Автореф.-Тошкент: 1994.-19 б.

⁴ Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф.дисс....канд.юрид.наук.-Тошкент: 2002.-25 с.

тугатишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишган⁵, Н.Лопаева эса юридик шахслар банкротилиги масалаларини тадқиқ этган⁶.

Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ муносабатларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда қуйидаги ҳуқуқшунос олимларнинг асарларидан фойдаланилган: С.Н.Братусь, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, Ю.К.Толстой, В.А.Дозорцев, Е.А.Суханов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Н.Рўзиназаров, Ф.М.Отахонов, А.Шукуруллаев, С.С.Гулямов, С.Холбоев, Ш.М.Асьянов, К.О.Синдоров, Р.Книпер, Б.А.Ногаев, Т.М.Туребеков, О.С.Иоффе, О.А.Красавчиков, И.Анортоев, Д.М.Караходжаева, Р.О.Халфина, Р.Мухаммедов, С.С.Ҳамроев, Н.Лопаева, А.Н.Танага, Н.Ш.Саид-Ғазиева, Ж.Юлдашев ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа муаллифларнинг илмий асарлари тадқиқ этилаётган муаммони назарий таҳлил қилишда катта туртки бўлди. Уни ишлаб чиқишга муайян даражада ҳисса қўшди. Лекин бу муаммони (тадқиқ этиш борасидаги масалаларни) тўлиқ ёритиб беришда уларни етарли деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасидаги ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқий адабиётлар орасида бевосита Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишининг усуллари ва уларни амалиётга татбиқ этишни ўрганишга бағишланган алоҳида магистрлик тадқиқоти мавжуд эмас. Қолаверса, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши усуллариининг ўзаро нисбати ва фарқли жиҳатлари, юридик шахслар бекор бўлишининг усуллариини амалиётга татбиқ этишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг илмий-назарий ечимлари чуқур ўрганилмаган.

⁵ Гулямов С.С. Некоторые проблемы процессов реорганизации акционерных обществ в Узбекистане. //Обзоро законодательства Узбекистана.-Тошкент, 2004. -№4. -С.13.; Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент:ТДЮИ. 2004. -84 б.; Тошев О. Акциядорлик жамиятлари бекор бўлишида мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати. / «Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.- Б.107.

⁶ Лопаева Н. Практика рассмотрения хозяйственным судом города Ташкента заявлений о признании должников банкротами.//Хозяйство и право.-Тошкент, 1999. -№11-12. - С.69-72.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация иши Тошкент Давлат юридик институти илмий-тадқиқот режалари дастурига 2010 йил октябрь ойида киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ҳуқуқий ҳолатини белгилашдаги ўрнини очиб бериш, Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг умумий тавсифини таҳлил қилиш, Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши усуллари ва турлари, шакллари, уларнинг амалиётга татбиқ этилишини илмий-назарий жиҳатдан ёритиб бериш, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишнинг илмий-доктринал ва легал таърифини ишлаб чиқиш;
- тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишининг фуқаролик-ҳуқуқий институтлар тизимидаги ўрнини аниқлаш;
- тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши асосларини ихтиёрий ва мажбурий тартибда бекор бўлиш нуқтаи назаридан очиб бериш;
- тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва унинг шакллари илмий-назарий ва илмий-амалий таҳлил этиш;
- юридик шахслар қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик масаларини ўрганиш;
- тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилганда кредиторларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишни илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқиш.

Диссертациянинг объектини тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиш усуллари ва уларни қўллаш билан боғлиқ муносабатларни

тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этиш асослари, усуллар ва шакллари қўллаш ва амалга ошириш соҳасидаги моддий-ҳуқуқий муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари илк бор магистрлик диссертацияси тарзда тадқиқ этилмоқда. Диссертацияда тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши боғлиқ муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этиш усуллари ва уларни амалга ошириш муаммолар Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги асосида илмий-назарий ва илмий-амалий таҳлил этилиб, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши тушунчаси, қайта ташкил этиш шакллари тадқиқ этилиб, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши татбиқ этиш амалиётини бойитишга хизмат қиладиган қуйидаги ҳолатлар ҳимоя учун илгари сурилади:

1. Тадқиқот ишида «юридик шахслар бекор бўлиши» тушунчаси илмий назарий таҳлил этилиб, муаллиф томонидан бу тушунчага қуйидаги илмий доктринал таъриф берилади:

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши деганда, юридик шахснинг қайта ташкил этиш ва тугатилиш йўли билан, кредиторларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ва ҳуқуқий ворислик асосида фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида барҳам топиши тушунилади.

2. Диссертант, юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши тушунчасига қуйидаги илмий доктринал таърифни таклиф қилади:

- қайта ташкил этиш – бир ёки бир неча юридик шахс (ҳуқуқий ўтмишдош) ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кредиторларнинг ҳуқуқларини қаноатлантирилиши асосида, ҳуқуқий ўтмишдошнинг бекор бўлиши ва ҳуқуқий ворисни вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатда бошқа юридик шахс

ёки шахсларга (ҳуқуқий ворис) ҳуқуқий ворислик тартибида ўтишини тавсифловчи ҳолат (юридик ҳаракатлар мажмуи) тушунилади.

3. Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши ўз табиатига кўра юридик факт ҳисобланади. Айнан «қайта ташкил» оқибатда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилишини юридик фактларнинг ўзига хос тури сифатида таҳлил этишда бир қатор ҳолатларга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши натижасида фуқаролик ҳуқуқий муносабат вужудга келиши ёки барҳам топиши мумкин. Юридик шахс қайта ташкил этилганда ворислик муносабатлари вужудга келса, юридик шахс тугатилганда юридик шахс билан боғлиқ барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бекор бўлади. Иккинчидан, тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши юридик ҳатти-ҳаракат сифатида муайян ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Бу ҳуқуқий оқибат эса, ҳар доим инсон эрки-иродасининг маҳсули саналади. Учинчидан Тижоратчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши усуллари турли хил эканлигини назарда тутиб, юридик фактнинг «юридик ҳатти-ҳаракат ва юридик ҳужжат», «маъмурий ҳужжат ва битим» турларига киради.

4. Муаллифнинг фикрича, «Юридик шахсларни қайта ташкил этиш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Низомини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча, мазкур қонун ҳужжатида юридик шахсларни қайта ташкил этиш асослари, қайта ташкил этиш ваколатига эга шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қайта ташкил этиш ҳужжатлари (тақсимлаш баланси ва топшириш далолатномаси), қайта ташкил этиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, қайта ташкил этиш юзасидан давлат мониторингини олиб бориш, қайта ташкил этиш қарори, қайта ташкил этиш усуллари ва улардаги ўзига хос ҳолатлар каби муҳим қоидалар ўз ифодасини топиши лозим. Бундай Низомнинг қабул қилиниши юридик шахсларни қайта ташкил этиш

билан боғлиқ мураккаб қоидалар ва нормаларни амалиётга татбиқ этишда муҳим манба вазифасини бажарар эди.

8. Фикримизча, юридик шахслар қайта ташкил этилганда тузиладиган топшириш ҳужжатида бекор бўлаётган юридик шахс мол-мулклари рўйхати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредиторлари тўғрисидаги маълумотлар ва юридик шахс фаолиятида қайд этилган бошқа ҳужжатлар (шартномалар, бухгалтерия ҳужжатлари, юридик шахс ходимлари ва улар билан боғлиқ меҳнат муносабатларига оид ҳужжатлар, юридик шахснинг локал ҳужжатлари: қарорлар, буйруқлар ва ҳ.зо.лар) ҳамда ҳуқуқий ворислик масаласи аниқ ифодаланиши лозим. Бу ҳолатда ҳуқуқий ворислик масаласи бекор бўлаётган юридик шахс ва вужудга келаётган юридик шахс ўртасидаги келишувга кўра ҳал қилинади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган ҳулоса ва қоидалардан Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларни бекор бўлиши тартибга солувчи муносабатларни тартибга солувчи нормаларни қўллашга оид назарий ва амалий қоидаларни ривожлантиришда, юридик шахсларнинг бекор бўлишига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, юридик шахсларни бекор бўлиш асослари ва усулларини амалиётда қўллашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурий кўрсатмаларнинг тегишли мавзуларини тайёрлашда, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминловчи соҳа раҳбарлари ва мутахассислари учун қўлланмалар чиқаришда ҳам бу таклиф ва ҳулосалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг натижалари суд, прокуратура, адлия органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларни субъектларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳадаги вазифаларни бажаришларида ҳамда юридик шахслар бекор бўлишига оид қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётига табиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация қўлёзмаси муҳокамадан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллифнинг 6 та илмий ишида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мавзуни ўрганиш мантиғига мос келади.

Диссертация 125 саҳифани ўз ичига олиб, кириш, тўққиз параграфни камраб олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертацияда мавзуга алоқадор 100 га яқин манбадан фойдаланилди.

1-БОБ. Тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчаси ва моҳияти .

1.1. Тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил тушунчаси.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва бу борада янги қонунларнинг қабул қилиниши, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари доирасини бекиёс даражада кенгайтириб юборди. Ҳуқуқ субъектларига берилган кенг имкониятлар (мамлакат ички ва ташқи оборотида иштирок этиши) ўтиш даврига мос равишда ишлаб чиқилди ва мустаҳкамланди. Белгилаб олинган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ субъектларига ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш бўйича реал имкониятлар яратиб берди. Айни пайтда, хорижий субъектлар ва айниқса, чет эллик сармоядорлар мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектлари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш имкониятларига эга бўлдилар.

Ҳақиқатдан ҳам иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳозирги кунда алоҳида умумдавлат аҳамиятини касб этмоқда. Шу билан бирга ҳозирги шароитда юридик шахсларни ташқи иқтисодий муносабатлари (у ёки бу соҳаларини тартибга солишда ҳуқуқ) даги мавқеини, улар иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур.

Республикамызда янги қонунчилик тизимининг яратилиши бевосита фуқаролик ҳуқуқи учун энг асосий институтлардан бири юридик шахслар ва уларнинг бекор бўлиш институтининг тубдан янгича кўриниш ҳосил қилишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумининг ўз ҳукмини ўтказиши ва бошбошдоқлигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан шунингдек мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий-хўжалик

тузилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик⁷.

Ушбу ҳолатлар фуқаролик ҳуқуқи субъектлари мақомини белгилаб берувчи, субъектларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш тартибини ўрнатувчи янги қонунчилик базаси вужудга келишига замин яратди.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳуқуқ субъекти сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай ўзига хослик биринчи навбатда фуқаролар, давлат ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатидаги фарқларда кўринса, иккинчидан шахсларнинг ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилиш ҳолати ва уларнинг субъект сифатида барҳам топишида ифодаланди.

Фуқаролар ва давлат фуқаролик ҳуқуқининг “реал” ёки “дастлабки” субъектлари ҳисобланишса, юридик шахслар “ҳосила” субъектлар ҳисобланади. Шу билан бирга юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг иккинчи гуруҳини ташкил этади⁸.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар ва давлат фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида бевосита ва тўғридан-тўғри вужудга келса, юридик шахслар ана шу икки субъектнинг хоҳиш-иродаси асосида ҳуқуқ субъекти сифатида вужуд келтирилади. Чунки, юридик шахслар белгиланган тартибда ташкил этилган, устав ёки низом асосда фаолият юритадиган, ўзининг ҳисобрақамига эга бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги турли ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчисидир⁹.

Ж.И.Юлдашевнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасида фақат юридик шахслардагина вужудга келиш тушунчаси мавжуд, зеро фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар ва давлатга бундай тушунча қўлланилмайди. Фуқаролар ва давлат субъект сифатида ўз-

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-201 б.

⁸ Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. - Тошкен: ТДЮИ, 2004.-47 с.

⁹ Халфина Р.О. Общие учение о правоотношени.-М.: Юридлит, 1974.-189 с.

ўзидан мавжуд. Гарчи фуқароларда субъектлилиқ ҳолати улар туғилганидан сўнг вужудга келсада, фуқароларнинг «вужудга келиши асослари» атамаси мантикий асосга эга эмас¹⁰.

Мазкур фикрни бевосита юридик шахсларнинг «бекор бўлиши» тушунчасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Зеро, субъект сифатида фуқаролар ва давлатга нисбатан бекор бўлиш тушунчасини қўллашнинг имкони бўлмаса, юридик шахсларнинг бошқа субъектлар эрки-иродаси асосида вужудга келишини назарда тутиб, уларнинг субъект сифатида “бекор бўлиши” ҳам мантикий асосга эга бўлади. Шунингдек бу ерда оддий мантикий қоида “вужудга келиш” оқибатда “бекор бўлиш” билан якунланишини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларнинг “бекор бўлиши” тушунчаси қўлланилмайди. Масалан, ФКнинг 49-моддаси “юридик шахсни қайта ташкил этиш” - деб номланса, 53-моддаси 2юридик шахсни тугатиш” - деб номланади. Шу билан бирга фуқаролик қонунчилигида юридик шахсни “қайта ташкил этиш² ва “тугатиш” атамаларига алоҳида таъриф берилмайди.

Ҳуқукий адабиётларда ҳам юридик шахсни “бекор қилиш” атамаси ўрнига кўпчилиқ ҳолатларда “юридик шахсни қайта ташкил қилиш ва тугатиш” ибораси қўлланилади¹¹.

Бироқ, “бекор бўлиш” атамаси шартли равишда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш асосида ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топишини ифодаловчи ҳатти-ҳаракатлар мажмуаси бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи назариясида ўзига хос юридик факт сифатида аҳамиятга эгадир. Зеро, «бекор бўлиш» ибораси луғавий жиҳатдан ҳам тугатиш, муайян шартлашувнинг олдиндан барҳам топиши, мавжудликнинг инкор этилиши каби маъноларни англатади. Шу муносабат билан юридик шахсларга нисбатан «бекор бўлиш»

¹⁰ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ. 2004. -84 б.

¹¹ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 1996. -58-59 б.; Гражданское право. В 3-х т../ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.Т.1.-М.: 2003. Проспект, -162-165 с.; Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.-179-181 б.

атамасининг қўлланилиши фуқаролик ҳуқуқи назарияси учун хос бўлиб, назарий атама сифатида аҳамиятли ҳисобланади ва қонунчиликда бу воқеликни қайта “ташқил этиш” ва “туғатиш” усулларида ифодалаш ҳеч қандай тушунмовчиликни келтириб чиқармайди.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши хусусида ҳуқуқшунос олимлар турли фикрларни билидиришади. И.Б.Зокировнинг фикрича Республикамиз ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида юридик шахслар кўпинча қайта ташқил бўлиш йўли билан бекор бўладилар¹². И.В.Елесеєв таъкидлашича эса юридик шахслар фаолиятининг бекор бўлиши уни қайта ташқил этиш ва туғатиш асосида амалга оширилади¹³. Ж.И.Юлдашевнинг фикрича қайта ташқил этиш учун бекор бўлиш иборасини қўллаш маъқул. Зеро, туғатиш бекор бўлишнинг бир шакли сифатида эътироф этилса, турли хил адашмовчиликларни (умумий маънода туғатиш ва унинг шакли сифатида ҳам туғатиш ибораси ишлатилганда) келтириб чиқариши мумкин¹⁴. Юқорида ифодаланган дастлабки икки фикрга эътироз билдирмаган ҳолда Ж.И.Юлдашев томонидан баён қилинган мулоҳазалар баҳсли эканлигини таъкидлаш лозим. Маълумки, «туғатиш» атамаси юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида тўғридан-тўғри бекор бўлишини, яъни ҳуқуқ субъекти сифатида мавжуд эмаслигини англатади. Шу маънода «туғатиш»ни бекор бўлиш усули сифатида эътироф этилиши ҳуқуқий жиҳатдан жуда зарурий ҳолат саналади. қайта ташқил этиш ёки туғатиш юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топишининг энг асосий усуллари саналади. Гарчи, қайта ташқил этилганда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик асосида бошқа субъектга ўтсада, шу ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби қайта ташқил этиш натижасида ҳуқуқ субъект сифатида эътироф этилмайди. Бу ҳолатни қўпол бўлса-да, фуқаронинг вафоти ва унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ворисларига ўтиши билан таққослаш мумкин.

¹² Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 1996. -58 б.

¹³ Гражданское право./ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.Т.1.-М.:2003.Проспект,-162 с.

¹⁴ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-137 б.

А.Шукруллаевнинг фикрича, қайта ташкил этиш ҳуқуқий ворислик муносабатларини вужудга келтирувчи ҳолат бўлиб, бунинг натижасида юридик шахс ташкилий ҳуқуқий шаклининг бекор бўлиши ёки бошқача таркибий ўзгариш амалга оширилади¹⁵. Бу ўринда «таркибий ўзгариш» ибораси ҳуқуқий маъно касб этмаслигини айтиб ўтиш лозим. Зеро «таркибий ўзгариш» мантиқий жиҳатдан юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида фаолият олиб бораётган пайтда, юридик шахслар органларининг янгидан ташкил этилиши ёки бу органларнинг ёхуд юридик шахснинг тузилма сифатида ўзгариши тушинилади. Шу билан бирга «таркибий ўзгариш» иборасидаги «таркиб» атамаси юридик шахснинг органлари, унинг фаолият йўналишлари, юридик шахснинг тури ва бошқа тушунчаларни қамраб олар экан, «таркибий ўзгариш» натижасида юридик шахс бекор бўлмасдан фақатгина фаолият турини ва органлар тизимини ўзгартириши мумкин. Бу эса, юридик шахснинг бекор бўлишига эмас, балки муайян ҳуқуқий тузилма сифатида ўз фаолиятининг ўзгариши ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши ўз табиатига кўра юридик факт ҳисобланади. Айнан «бекор бўлиш» оқибатида фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Юридик шахслар бекор бўлишини юридик фактларнинг ўзига хос тури сифатида таҳлил этишда бир қатор ҳолатларга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, юридик шахсларнинг «бекор бўлиши» натижасида фуқаролик ҳуқуқий муносабат вужудга келиши ёки барҳам топиши мумкин. Юридик шахс қайта ташкил этилганда ворислик муносабатлари вужудга келса, юридик шахс тугатилганда юридик шахс билан боғлиқ барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бекор бўлади. Иккинчидан, юридик шахсларнинг бекор бўлиши юридик ҳатти-ҳаракат сифатида муайян ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Бу ҳуқуқий оқибат эса, ҳар доим инсон эрки-иродасининг маҳсули саналади. Учинчидан, юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари турли хил

¹⁵ Шукруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши:Юрид.фан.номз.-Тошкент: 2001.-46 б.

эканлигини назарда тутиб, уларни юридик фактнинг «юридик ҳатти-ҳаракат ва юридик ҳужжат», «маъмурий ҳужжат ва битим» турларига киритиш мумкин. Юридик ҳатти-ҳаракат сифатида юридик шахсларнинг бекор бўлиши, юридик шахс муассислари ёки жамоасининг юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бўлиш ва шу кабилар) билан боғлиқ ҳаракатларида намоён бўлади. Тегишли давлат органининг юридик шахсни тугатиш ҳақидаги қарори юридик ҳужжат ҳисобланади. Масалан, ФКнинг 57-моддасига кўра, тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга имконияти етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин. Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Маъмурий ҳужжат сифатида давлатга тегишли юридик шахсларнинг бекор бўлиши ҳолатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. ФКнинг 49-моддасига мувофиқ, қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

О.С.Иоффенинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни ўрнатадиган маъмурий ҳужжатни қабул қилган орган ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчиси ҳисобланмайди¹⁶. Лекин ушбу фикрни юридик шахсларни бекор бўлишига нисбатан татбиқ этиб бўлмайди. Зеро, юридик шахснинг муассиси ҳисобланган давлат органи юридик шахсни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқ, юридик шахснинг бекор бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан талабларни қабул қилиши лозим. Масалан, ФКнинг 76-моддасига кўра, муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли

¹⁶ Иоффе О.С. Советское гражданское право.-М.:Юридлит, 1967. -251 с.

бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Айниқса, бу ҳолат бозор иқтисодиёти шароитида, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг тенглиги эътироф этилган ҳолат муҳим аҳамиятга эга. Чунки, давлат органи ёки давлатга тегишли юридик шахслар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. ФКнинг 79-моддасига мувофиқ, давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан барабар асосларда иштирок этади.

Юридик шахслар қўшилганда бу ҳақда муассислар ўзаро битим тузишлари мумкин. Натижада икки юридик шахсдан биттаси ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлади.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши тушунчаси ҳақида фикр юритганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларида ҳам, ҳуқуқий адабиётларда ҳам бу тушунчанинг таърифи ифодаланмайди. Фақатгина бекор бўлиш қайта ташкил этиш ва тугатиш йўли билан амалга оширилиши таъкидланди¹⁷. Кўпчилик ҳолатларда юридик шахсларнинг бекор бўлиши тушунчасига таъриф бериш ёки бу атаманинг илмий-ҳуқуқий изоҳини бериш амалий аҳамиятга эга эмас, - деб ҳисобланади. Бироқ, юридик шахсларнинг «бекор бўлиш» тушунчасининг илмий-назарий мазмунини очиб бериш ва бу тушунчанинг таърифини яратиш, ҳамда бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурияти катта аҳамият касб этади. Шу маънода юридик шахсларнинг бекор бўлиши тушунчасига қуйидагича илмий таъриф бериш мумкин:

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши деганда, юридик шахснинг қайта ташкил этиш ва тугатилиш йўли билан, кредиторларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ва ҳуқуқий ворислик асосида, фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида барҳам топиши тушунилади.

¹⁷ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат. 1996. -58-59 б.; Гражданское право.В 3-х т./ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.:2003.Проспект. Т.1.-162-165 с.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши ҳар доим субъектнинг барҳам топишини англатиши билан бирга баъзи ҳолатларда янги субъектнинг вужудга келиши учун асос сифатида аҳамиятли бўлади. Юридик шахслар бекор бўлишининг биринчи усулида айнан шу ҳолат рўй беради. қайта ташкил этиш орқали юридик шахслар бекор қилинганда вужудга келган субъект олдинги юридик шахснинг вориси сифатида эътироф этилса-да, у мутлақо янги ҳуқуқ субъекти саналади. Юридик шахслар бекор бўлишининг икки асосий усули: қайта ташкил этиш ва тугатиш натижасини бир-бирига таққослайдиган бўлсак, агар қайта ташкил этилганда юридик шахс ҳуқуқий муносабатлар «сахнасидан» «изсиз» йўқолмасдан субъектликнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзининг ворисига ўтказиш йўли билан «мавжудликни сақлаб қолса (ҳуқуқий муносабатларда ворислари кўрсатилган ҳолда номи тилга олинади)», тугатилганда ҳуқуқий муносабатлар «сахнасидан» тўлиқ «кетиш» ва ҳуқуқий муносабатларда бошқа «тилга олинмаслик» ҳолати вужудга келади.

Ушбу фарқлар юридик шахслар бекор бўлишининг икки турини амалиётда қўллашда бир қанча жиҳатларга ва хусусиятларга эътибор қаратишни талаб этади. Юридик шахслар қайта ташкил этилаётганда қуйидаги ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга бўлади:

1. Қайта ташкил этишнинг барча усулларида икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ субъекти иштирок этади ва бундай иштирок натижасида улардан бири барҳам топади¹⁸;

2. Бекор бўлаётган субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари универсал ҳуқуқий ворислик асосида қайта ташкил этиш муносабатларидаги бошқа субъектга ўтади. Лекин бунда бекор бўлган юридик шахсга тегишли муайян фаолият билан шуғулланиш тўғрисидаги лицензиялар ҳуқуқий ворислик асосида иккинчи субъектга ўтишига йўл қўйилмайди. Бироқ бекор бўлаётган

¹⁸ Гарчи қайта ташкил этишнинг ажратиб чиқариш ва ўзгартириш усулларида дастлаб битта ҳуқуқ субъекти иштирок этсада, қайта ташкил этишнинг мазкур усуллари амалга ошириш ва тугаллаш жараёнида камида иккита мустақил ҳуқуқ субъекти вужудга келади. Шу муносабат билан мазкур фикр юридик шахсни қайта ташкил этишнинг барча усуллари учун хос, - деган хулосага келиш мумкин.

юримдик шахсининг фирма номи, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари қайта ташкил этишдаги ҳуқуқдор субъектга ўтказилади. Зеро, бу субъект хоҳ у янгидан ташкил бўлган юримдик шахс бўлсин, хоҳ янги субъект бўлмасидан индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқни сақлаб қолади. Масалан, «Соҳибкор» АЖнинг «Пахтакор» АЖга қўшиб олиниши натижасида, «Пахтакор» АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларига «Соҳибкор» тамғасини босиши мумкин бўлади.

Мазкур қоида ФКнинг 1101-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, юримдик шахсининг фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ва ўтказишга фақат юримдик шахс қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Юримдик шахсни фирма номига бўлган ҳуқуқини бегоналаштириш ваколатли давлат органида қайд этиш ва тегишли далолатнома бериш орқали расмийлаштирилади¹⁹.

3. Қайта ташкил этилиш натижасида бекор бўлган юримдик шахсининг мажбуриятлари юзасидан барча талаблар унинг ҳуқуқий ворисига қаратилади. Бунда ҳуқуқий ворис мажбуриятни бажаришдан бош торитишга ҳақли эмас. Агар битта юримдик шахс бўлиб юбориш орқали бекор қилинган бўлса, у ҳолда ҳуқуқий ворис ким бўлиши, тегишли битим ёки мулкдорнинг қарори билан белгилаб қуйилиши лозим.

4. Қайта ташкил этиш ҳамма вақт бекор бўлишнинг ўзаро келишув ва судгача амалга ошириладиган усули сифатида аҳамиятлидир. Юримдик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юримдик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Бироқ, баъзи ҳолатларда қайта ташкил этиш, суднинг қарори билан ҳам амалга оширилади. Масалан, қонунда белгиланган ҳолларда юримдик шахсни

¹⁹ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004.-154 б.

бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади (49-моддаси).

Юридик шахсни тугатилаётганда қуйдаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1. Юридик шахсни тугатиш якунловчи воқелик бўлиб²⁰, унинг натижасида юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топади.

2. Тугатиш ҳамма вақт ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик асосида ўтмаслиги билан тавсифланади.

3. Юридик шахс тугатилганда у ихтиёрий ёки мажбурий тартибда амалга оширилишидан қатъий назар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. ФКнинг 55-моддасига мувофиқ, тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш

²⁰ Гражданское право. В 3-х т./ Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.:2003. Проспект. Т.1.С.162.

тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кредиторларни юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкини ким ошди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади. Тугатилаётган юридик шахс кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан ФКнинг 56-моддасида белгилаб қўйилган навбат тартибида, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, уни юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки, тугатилаётган муассасанинг эса - пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисmini ушбу

корхона ёки муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига (иштирокчиларига), агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек уларни муассислари йўқлигида тугатиш таомили ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

4. Юридик шахсни тугатиш ҳамма вақт субъектга тегишли мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни бекор бўлишига олиб келади. Чунки, «ҳамма нарсa инсон учун» шиоридаги каби фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатларда ҳам ҳар бир ҳолат (ҳуқуқ, мажбурият, мол-мулк, ашё, нарсa, шахсий ҳуқуқ) субъект-шахс билан боғлиқ ва у учундир. Шу билан бирга юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ҳам у тугатилган пайтдан тўхтатилади²¹.

Таъкидлаш лозимки, юридик шахслар тугатилиш жараёнида уларга нисбатан юридик шахслар мақомини белгилашга қаратилган нормалар татбиқ этилмаслиги мумкин. Масалан, Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан 1997 йил апрелда тақдим этилган “Компаниялар жойлашган ерини ЕИдаги бошқа аъзо давлатларга ўтказиш тўғрисида” ги Ўн тўртинчи директивада белгиланишича тугатиш босқичида бўлган компанияларга

²¹ Асьянов Ш. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати.//Хўжалик ва ҳуқуқ.-Тошкент, 1996. - №10-11. - Б.19.

нисбатан компания турар-жойини ўзгартириш мумкинлиги қоидаси қўлланилмайди²².

Юридик қайта ташкил этилиши билан янги ҳуқуқ субъекти вужудга келади. Бу эса бир вақтнинг ўзида юридик шахсни қайта ташкил этиш ва вужудга келиш усуллари ўртасидаги муайян нисбатнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласини аниқлашни талаб этади.

Фуқаролик қонунчилиги юридик шахсларни қайта ташкил этилиши ва янги юридик шахснинг вужудга келишини муайян узвийликда ифодалайди. Яъни, юридик шахс қайта ташкил этилаётганда қайта ташкил этиш ҳужжатлари қайта ташкил этишнинг ҳар бир усулида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланиши ёки унинг розилиги асосида тузилган бўлиши лозим бўлади. Шундан сўнг янги юридик шахс ФКнинг 44-моддасида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан тўказилгандан сўнг давлат рўйхатидан ўтган ҳисобланади. Шу билан бирга юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни хабардор қилиш тартиби тўғрисида» ги қарори ва мазкур қарорга илова қилинган «Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни хабардор қилиш тартиби тўғрисида» ги Низомда ифодаланган.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи назариясида юридик шахслар вужудга келишининг қуйидаги усуллари кўрсатиб ўтилади:

- бўйруқ (фармойиш) бериш тартиби;
- мурожат қилиш тартиби;
- рухсат бериш тартиби²³;

²² Кадышева О.В. Определение национальности юридических лиц и договор об учреждении Европейского Сообщества//Вестник МГУ. Сер.11.Право.-Москва. 2002.-№5.-С.80.

²³ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм.-Тошкент:ТДЮИ.2006.-105-106 б.

Юридик шахс қайта ташкил этилаётганда қайта ташкил этиш ихтиёрий ёки мажбурий тартибда амалга оширилаётганлигига қараб янги ташкил топган юридик шахсни юридик шахслар вужудга келишининг қайси усулида амалга оширилганлигини аниқлаб олиш мумкин. Агар юридик шахс ихтиёрий равишда қайта ташкил этилаётган бўлса, янги ташкил топган юридик шахсни мурожжат этиш тартибида вужудга келган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бунда муассиснинг юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳақидаги хоҳишини ифодалишининг ўзиёқ янги юридик шахс вужудга келганлигини англатиши ва давлат рўйхатидан ўтказувчи орган янги юридик шахсни рўйхатдан ўтказиши лозим бўлади.

Юридик шахс мажбурий – суд тартибида қайта ташкил этилганда эса, юридик шахслар вужудга келишининг рухсат олиш тартибида янги юридик шахс вужудга келади. Мазкур ҳолатда ФКнинг 49-моддаси талаблари асосида юридик шахсни қайта ташкил этиш учун айнан юридик шахс вужудга келишининг рухсат олиш тартибидаги каби ваколатли давлат органининг рухсати керак бўлади ва шундан кейингина рўйхатдан ўтказувчи орган янги юридик шахсни давлатлат рўйхатидан ўтказиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юридик шахсларни қайта ташкил этиш – бу юридик шахсларни вужудга келитириш усули ҳисобланмайди. Гарчи юриик шахс қайта ташкил этилганда янги ҳуқуқ субъекти вужудга келсада, мазкур ҳолат ҳар доим бир юридик шахснинг бекор бўлишига олиб келади ва қайта ташкил этиш жараёнида бу бирламчи ҳолат сифатида қаралади. қайта ташкил этиш янги юридик шахс вужудга келиши учун ўзига хос юридик факт бўлиб хизмат қилсада, юридик шахс вужудга келишининг усули сифатида баҳоланмайди, чунки юридик шахснинг вужудга келиш атамаси дастлаб вужудга келаётган ва ҳуққуий ворислик муносабатларига асосланмайдиган янги субъектларнинг ташкил топишига нисбатан қўлланилади.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиш тушунчасининг моҳияти ва мазмуни хусусида тўхталиб, «бекор бўлиш» атамаси ҳуқуқий мазмунга эга,

амалга оширилиш муайян ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқи субъектлилиги мақомини белгилашда таъсир кўрсатадиган юридик фактнинг ўзига хос тури деган хулосага келиш мумкин. Зеро, юридик факт сингари «бекор бўлиш» қонун йўл қўйган ҳаракатлар орқали амалга оширилади ва ҳамма вақт фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини (бошқача айтганда субъектлиликини) бекор бўлишига олиб келади.

Фикримизча, “юридик шахслар бекор бўлиш” атамаси назарий тушунча бўлиши билан бирга амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу муносабат билан Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонун ҳужжатларига “юридик шахснинг бекор бўлиши” атамасини ва ФКда шу номли моддани киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу норма ФКнинг 49-моддаси сифатида “Юридик шахснинг бекор бўлиши” деб номланиши ва қуйидагича ифодаланиши лозим:

- юридик шахс қайта ташкил ва тугатиш йўли билан бекор бўлади. Юридик шахсни бекор бўлиш асослари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс бекор бўлганда кредиторларнинг талаблари ва ворисларнинг ҳуқуқлари ҳисобга олиниши лозим.

Бундай норманинг киритилиши биринчи навбатда “юридик шахснинг бекор бўлиши” атамаси легал мазмунга эга бўлишини таъминласа, иккинчидан юридик шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам бўлишига олиб келувчи қайта ташкил этиш ва тугатиш усуллари учун умумий мезон ва қоидалар белгиланади. Шу билан бирга юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш битта ҳуқуқий институтга хослиги ва улар бир-бирга яқин бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишини аниқлаштиради.

1.2. Тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этилишини тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий тавсифи.

Маълумки, ҳар бир соҳа муайян асосларга, қоидаларга ва негизларга таянади. Ҳар бир муносабатни тартибга солишда шу муносабатлар учун умумий асосга айланган бирлаштирувчи тушунча ва ҳолатлар белгиловчи рол ўйнайди. Тегисли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда энг муҳим бўлган ва шу соҳадаги деярли барча муносабатларга таалукли бўлган қоидалар фанда манбалар деб юритилади.

Шу маънода ҳуқуқ манбалари деганда, умумий маънода ҳуқуқнинг ифода этилиш шакли тушунилади²⁴. Бунда ҳуқуқ турли воситалар ва давлат томонидан ишлаб чиқилган ёки қабул қилинган махсус усуллар орқали амалга оширилади. Ифода этилиш тушунчасини таҳлил этганда, ҳуқуқни жамият ҳаётидаги турли ижтимоий муносабатларга қўллаш назарда тутилади. Масалан, товар айирбошлаш, ўзганинг мол-мулкидан вақтинча фойдаланиш, турли хилдаги хизмат кўрсатиш ва шунга ўхшаш муносабатларга нисбатан ҳуқуқнинг ифода этилиш давлат томонидан қабул қилинган махсус ҳужжатлар, яъни воситалар орқали намоён бўлади.

Ижтимоий турмуш ва жамият ҳаётининг кўплаб соҳалари махсус манбаларга эга бўлганидек, ҳуқуқ ҳам ўз манбаларига эгадир. Ҳуқуқ манбалари эса ўз навбатида, муайян соҳаларнинг манбаларига бўлинади ва уларнинг мажмуидан ташкил топади. Ушбу мажмуанинг бир бўғини сифатида фуқаролик ҳуқуқи соҳаси ҳам ўз манбаларига эгадир.

Профессор И.Б.Зокировнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқининг манбалари деганда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳужжатлар тушунилади²⁵. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи норматив ҳужжат фақат, биргина ҳуқуқ соҳаси – фуқаролик

²⁴ Бобоев Ҳ.Б. ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Тошкент: ТДЮИ, 2000.-276 б.

²⁵ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 1996.-15 б.

ҳуқуқининг манбаси бўлиши мумкин деган тасаввур вужудга келмаслиги керак. Айни бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқининг манбаси ҳисобланган норматив ҳужжат, ҳўжалик ҳуқуқининг, қишлоқ ҳўжалиги ҳуқуқининг, молия ҳуқуқининг, маъмурий ҳуқуқнинг ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг манбаси бўлиши мумкин.

Умуман олганда, ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ манбаларига нисбатан бир канча шартлар қўйиладики, бу шартлар ва талаблар манбанинг айнан ҳуқуққа тегишлилигини ва унинг бошқа соҳа манбаларидан ажратиб турилишига ёрдам беради. Бундай шартлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Ҳуқуқ манбаси норматив характерга эга бўлиши керак;
2. Ҳуқуқ манбаси ўзининг номланиши ва таъсир кучи доирасида тегишли ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган ёки чиқарилган бўлиши лозим;
3. Ҳуқуқ манбалари ҳар доим тегишли тартиб ва қоида асосида қабул қилиниши лозим;
4. Ҳуқуқ манбаси, тегишли равишда рўйхатга олиниши ва муайян шартлар асосида эълон қилиниши лозим.

Ҳуқуқ манбаини ташкил этган халқнинг эрки давлат эрки бўлиб, маълум шаклда қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ифодаланади²⁶.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, деб нормаланган.

Ҳуқуқ манбалари тўғрисида сўз юритилганда, биринчи навбатда қонун устида тўхталиш лозим. Ўзбекистон Республикасида қонунлар Олий Мажлис-ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи олий органи томонидан амалга оширилади, қабул қилинадиган бу қонунлар барча учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлардир.

Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари ҳуқуқнинг бошқа соҳалари манбаларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу хусусиятлар

²⁶ Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат. 1996. -15 б.; Иоффе О.С. Советское гражданское право.-М.:Юридлит, 1967.-43 с.

фуқаролик ҳуқуқи манбалари тартибга соладиган ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар одатдаги, кундалик, нормал ижтимоий муносабатлардир.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг «одатдаги» муносабатлиги шу билан белгиланадики, бу муносабатлар ҳар доим содир бўлади ва кишиларда бу муносабатларнинг амалга оширилиши одатдаги жараён каби тасаввур ҳосил қилади. Масалан, ҳар куни дўкондан нон сотиб олинганда, деярли барча фуқаро – харидор нонни муайян сумма тўлаган ҳолда сотувчи билан келишиб сотиб олиши мумкинлигини билади. Бу ҳол бир неча асрлардан бери одат тусига айланган. Мантиқий олиб қараганда бундай муносабатлар жуда кўплаб топилади ва уларда одат анъаналарига айланган ҳолатлар кузатилади. Айнан ана шу ҳолатлар фуқаролик қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солинади. Шу билан бирга одатдалик кишилар учун янгилик бўлмаган ва содир бўлиши ғайритаббий туюлмаган воқеликдир. Бу муносабатларнинг шу зайлда амалга оширилиши кишиларда ажабланиш ҳиссини вужудга келтирмасилиги лозим. Одатдаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳар доим мавжуд анъаналардан келиб чиқиб белгиланиши керак.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг кундалик муносабатлар сифатида талқин этилишининг асосий сабаби, уларнинг ҳар куни амалга оширилиш бўлиб ҳисобланади. Агар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг «одатдалиги» бевосита муносабатларни амалга оширилиши тартиби ва жараёни билан боғлиқ бўлса, «кундаликлиги» хусусияти бу муносабатларнинг ҳаётий зарурият ва эҳтиёжлар билан боғлиқ равишда ҳар куни содир этилиши билан боғлиқ бўлади. Бундай муносабатлар жумласига: чакана олди-сотди шартномалари ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий муносабатлар орасида фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар «нормал» муносабатлардир. Яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бир-бирга бўйсунтиш тамойилига асосланмаган, эрк-ирода ва

хоҳишга таянган, мажбурлаш ва тазйикдан холи бўлган ҳолда вужудга келадиган муносабатлардир. Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари ҳам айнан ўзи тартибга соладиган муносабатларнинг шу хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Юридик шахсларнинг ташкил топиши ва бекор бўлиши масалалари мамлакатимизда дастлаб XX аср бошларида ҳуқуқий тартибга солина бошлади. Ўзбекистон ҳудудида XX аср бошларигача амалда бўлган мусулмон ҳуқуқи тизимида юридик шахсларни вужудга келиши ва бекор бўлишининг аниқ қонуний асослари ва улар фаолиятини тартибга солиш механизми мавжуд эмас эди. Зеро, асосий ҳуқуқ манбалари ҳисобланган қуръони Карим ва ҳадисда ҳам ширкатлари тузилиши ва у тарафларнинг ўзаро келишуви асосида фаолият юритиши қайд этилган эди. Юридик шахслар фаолиятини ҳозирги замонавий ҳуқуқий асосларда тартибга солишининг дастлабки куртаклари 1922 йилиги РСФСРнинг Гражданлик кодекси амалга киритилиши билан бошланди. Албатта бу давргача Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларида юридик шахслар фаолиятини тартибга солишнинг энг содда мезонлари ишлаб чиқилган эди. И.Б.Закировнинг фикрича, фуқаролар билан бирга БХСР ва ХХСРларида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида юридик шахслар – давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари эътироф этиларди.

Тўғри, бу давр фуқаролик қонунчилигида нафақат юридик шахсларнинг умумий тавсифи, балки юридик шахсларни вужудга келиш ва бекор бўлишининг умумий тартиби мавжуд эмас эди. Бу ҳолатлар ҳар бир юридик шахснинг устав ва низоми билан тартибга солинади²⁷.

Ўзбекистон ССРнинг 1929 йилги Гражданлик кодекси²⁸ ҳам юридик шахсларни бекор бўлишининг ягона асосини яъни, қандай асосда ва тартибда вужудга келган бўлса, шу асос ва тартибда бекор бўлишини назарда тутди

²⁷ Закиров И.Б. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР.-Тошкент: ФАН, 1988.-81 с.

²⁸ Постановление ЦИК УзССР от 13 апреля 1929 года.

ва собиқ иттифок давридаги иқтисодий-сиёсий ҳолатга мувофиқ равишда юридик шахслар бекор бўлишининг маъмурий тартибини назарда тутди.

Худди шу маънода 1963 йилги Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси ҳам юридик шахслар бекор бўлишининг жуда қисқа қоидаларини белгилайди. Агар мазкур қонун ҳужжати юридик шахсларни бекор бўлиши, хусусан қайта ташкил этилиши масалалари қандай тартибга солинганлиги ҳақида фикр юритганда, бу қонун мазкур институтлар мавжудлигини қайд этган деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга собиқ иттифок давридаги фуқаролик қонунчилигида қайта ташкил этиш тугатиш билан бирга юридик шахсларни қатъий равишда (ҳеч қандай ҳуқуқий ворисликсиз ва янги юридик шахс ташкил топмасдан) бекор бўлиш усули ҳисобланган. 1990 йилгача фуқаролик қонунчилигида юридик шахслар қайта ташкил этилишининг фақатгина учта - қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва бўлиш усуллари кўзда тутилган эди²⁹.

1991 йил 31 майда қабул қилинган ССР Иттифоқининг Фуқаролик қонунчилиги Асослари³⁰ қайта ташкил этишнинг бешта шаклини ажартиб кўрсатган эди: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш (16-модда).

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидаги бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари юридик шахсларнинг турлари каби хилма-хил ва кенг қамровлидир. Зеро, фуқаролик ҳуқуқининг энг мураккаб тузилмали ва махсус ҳуқуқ лаёқатига эга субъекти ҳисобланган юридик шахсларнинг ташкил топиши ҳам ҳар бири тури учун ўзига хосдир.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи энг асосий ва муҳим қонун ҳужжати бу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидир. Ўзбекистон Республикасининг

²⁹ Соцкова А.В. Некоторые вопросы реорганизации акционерных обществ//Юридический мир.-Москва. 2006.- №1.-С.40.

³⁰ Основы гражданского законодательства Союза ССР и республик от 31 мая 1991 г. №2211-1 (Ведомости СНД и ВС СССР.1991.№26.ст.733).

Фуқаролик кодекси ҳам конституциявий тамойилларга асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти шароитига мос келадиган механизмини яратишга қаратилган. У фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўринни эгаллайди.

“Қабул қилинадиган қонунлар ва қонунчиликка оид ҳужжатлар ўзаро боғланган бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмининг ҳуқуқий тизимини жадаллик билан яратишга кўмаклашиш керак”¹ – деган эди И.А.Каримов. Бозор муносабатларининг бутун тизимини бирлаштиришга ва унинг ички уйғунлигини таъминлашга хизмат² қиладиган, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган, бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига қаратилган кодификациялаширилган қонун бу-Фуқаролик Кодексидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса, 1996 йил 29 августда қабул қилинган ҳолда иккала қисми бир вақта 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритилган. Фуқаролик Кодекси олти бўлим, 71-боб, 1199 моддадан иборат.

Амалдаги Фуқаролик кодекси шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган масалаларни янгича ҳал қилди. Унда:

- хилма-хил фуқаролик ҳуқуқий битимлар тузишда кенг эркинлик ва имкониятлар берилганлиги;
- фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини кенг тартибга солиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати кенгайтирилган, улар ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, хусусий мулкка, жумладан, хусусий корхоналарга эга бўлиши, мулк шаклларининг тенглиги ва унинг ҳимояси кафолатланганлиги;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. -70 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. -70 б.

– фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти бўлган юридик шахсларга ташкилотларга ўз фаолиятларини амалга оширишда, хўжалик ишларини юритишда кенг имкониятлар берилган.

Фуқаролик кодекси биринчи қисмининг тузилиши бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган фуқаролик ҳуқуқи тизимига монанддир. Гарчи ФК юридик шахслар тушунчаси уларнинг турлари, юридик шахсларнинг ташкил топиши, таъсис ҳужжатлари ва органлари ҳақида кенгроқ қоидаларни мустаҳкамласада, бекор бўлишга оид жуда қисқа ва умумий қоидаларни белгилайди.

ФКнинг 49-52-моддалари юридик шахслар бекор бўлишининг биринчи усули қайта ташкил этишга бағишланса, 53-57-моддалари юридик шахсларни тугатиш тўғрисидаги қоидаларни белгилайди. ФКда белгиланган қайта ташкил этиш қоидаларининг энг аҳамиятлиси, қайта ташкил этиш усуллариининг аниқ белгиланганлигидир. ФКнинг 49-моддасида бекор бўлишнинг қуйидаги усуллари кўрсатилган: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш. Бу усулларни амалга ошириш бевосита юридик шахснинг муассислари томонидан амалга оширилади. Шунинг билан бирга қайта ташкил этиш таъсис ҳужжатларида вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ ҳам амалга оширилиши мумкин. Лекин бу масалада ФКда судга кенг ваколатлар беради³¹. ФКнинг 49-моддасига мувофиқ, агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи

³¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.-175 б.

судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади. қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин. қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Шу билан бирга ФКда юридик шахс қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик, тошириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси, юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторларнинг ҳуқуқлари каби қайта ташкил этиш учун энг муҳим бўлган қоидалар белгиланган. қайта ташкил этишда ФКнинг аҳамиятли томони шундаки, қайта ташкил этиш жараёнини тўлиқ белгилаб унинг оқибатлари, бу жараёнда расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларни белгилаб, қайта ташкил этиш жараёнининг ўзга ҳолатларини муассислар ёки вакил қилинган юридик шахс органининг ваколатига берилади. Бундай тартиб, юридик шахслар мулкдорларининг ва муассисларининг ўз хоҳиш-иродалари асосида, ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишларига имкон беради.

Академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов, юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ФКда белгиланган қоидалар ҳақида фикр юритар экан, қуйидагиларни баён этади:

- юридик шахсни тугатиш сабаблари ҳақидаги қоидалар ҳам жиддий равишда ўзгарди. Ўтмишда юридик шахс қайси тартибда вужудга келган бўлса, ўша тартибга асосан тугатилиш назарда тутилган эди. Масалан, агар юридик шахс юқори бошқарув органининг буйруғига асосан вужудга келган бўлса, ўша тартибга, яъни рухсат берилиши билан ташкил топган бўлса, ўша тартибга, яъни рухсат олиш йўли билан, норматив характерга эга бўлган уставга асосан вужудга келган бўлса, уставда белгиланган қоидага биноан (масалан, колхоз-кооператив ташкилотлари), тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан ташкил этилган бўлса (масалан, хўжаликлараро корхоналар), тарафларнинг келишуви билан тугатилиши назарда тутилган эди. Янги Кодексга биноан юридик шахсни тугатиш сабаблари биринчи галда унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган бўлиши (53-модда), уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган шахснинг бурчлари (54-модда), тугатиш тартиби ва муддати (55-модда), тугатилган тақдирда кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш тартиби (56-модда), юридик шахсни ночор (банкрот) деб ҳисоблаш (57-модда) ва бунинг оқибатлари ҳақида ва бошқа янги қоидалар назарда тутилди³².

Албатта, ФКда юридик шахсни тугатиш тўғрисида белгиланган қоидалар умумий тавсифга эга бўлиб, улар тугатишнинг энг муҳим жиҳатларини назарда тутилади. Масалан, ФКнинг 53-моддаси юридик шахсларни тугатиш тушунчасига қуйидагича таъриф беради:

- юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Бу таъриф анчайин қисқа ва умумий бўлиб, «тугатиш» атамасининг том маъносини очиб бермайди. Зеро, «тугатиш» ҳар доим ҳуқуқ ва бурчларнинг бошқа шахсга ўтмасдан бекор бўлиши билан бирга муайян расийлаштиришни ва шахсларнинг эрки-иродасини ифодалайдиган юридик факт ҳисобланади. Чунки барча юридик фактлар ҳам, фуқаролик ҳуқуқ ва

³² Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкени: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.-177-178 б.

бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлардир.

Фикримизча бу ҳолатда юридик шахсларни тугатиш тушинчасига қуйидагича илмий-доктринаал таъриф бериш мумкин:

- юридик шахсни тугатиш деганда, унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсга ўтмасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс фаолиятининг барҳам топиши ва бекор қилинишига айтилади. Бу ўринда ФКнинг 53-моддасидан фарқли равишда «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс фаолиятининг барҳам топиши» иборасининг киритилиши ўзига хос юридик факт ҳисобланган юридик шахсларни тугатишнинг тўлиқроқ манзарасини ифодалайди. Зеро, юридик шахсларни тугатишда уни амалга ошириш жараёни ҳам муҳим ўрин тутди ва бу ҳолатларни қайсидир маънода юридик шахсни тугатиш тушунчасига берилган таърифда ифодалаш, унинг мазмунини кенгроқ ифода этади.

Шу билан бирга ФК юридик шахсларни тугатиш асосларини белгилайди. Унга кўра,

- унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

- фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса — уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, деҳқон ва фермер хўжаликлари

бундан мустасно, ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ юридик шахс тугатилади.

Таъкидлаш лозимки, юридик шахсларни бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ФК энг асосий қоидаларни белгилайди. Бироқ, ҳозирги кунда ФКнинг юридик шахсларни бекор қилишда асосий қонун ҳужжати сифатида амал қилишини назарда тутиб, ундаги кўплаб умумий тусдаги нормаларни такомиллаштириш, юридик шахсларни бекор қилишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатларида ифодаланган қоидаларни ФКнинг ўзида ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳолат биринчи навбатда юридик шахсларни бекор қилиш тўғрисидаги нормаларни амалиётга татбиқ этишда қулайлик туғдирса, иккинчидан турли қонунлардаги нормалар зидлигига барҳам берган бўлар эди. Шу билан бирга, ўзига хос мураккаб ҳолат бўлган юридик шахсларни бекор қилиш муносабатларни тартибга солишда изчил механизм яратишда ўзига қатъий дастур вазифасини ҳам айнан юридик шахсларни бекор қилишга қаратилган нормалар билан бойитилган ФК бажарар эди.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири 24.04.2003 йилда қабул қилинган) билан ҳам тартибга солинади. «Банкротлик тўғрисида»ги қонун юридик шахсларни тугатишнинг ўзига хос мураккаб таомилларини назарда тутди. Бу таомиллар мазкур қонуннинг 28-моддасида ифодаланган бўлиб, унга мувофиқ, қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- кузатув;
- суд санацияси;
- келишув битими;

- ташқи бошқарув;
- тугатишга доир иш юритиш.

қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш қўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- келишув битими;
- тугатишга доир иш юритиш.

Бундан ташқари «Банкротлик тўғрисида»ги қонун суддан ташқари бажариладиган банкротлик таомиларини ҳам назарда тутди. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолиятини тугатиш) бўлиши мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонун юридик шахсни банкротлиги сабабли тугатишнинг барча ҳолатларини: банкротлик аломатлари, банкротлик таомиллари, банкрот деб топиш асослари ва шартлари, кредиторларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш, айрим турдаги корхоналарни банкрот деб топиш қоидаларини, банкрот деб топилган юридик шахсни тугатиш тартиби ва бошқа бир қатор нормаларни ўзида мустаҳкамлайди. Шу билан бирга «Банкротлик тўғрисида»ги қонун банкротлик соҳасидаги давлат органларининг ваколатларини ҳам санаб ўтадики, фикримизча бу ҳолатлар банкротликни амалга оширилишида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлатга тегишили юридик шахсларни банкрот деб топишда муҳим ўрин тутди. Масалан, қонуннинг 24-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари санаб кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича банкротлик таомилларида Ўзбекистон Республикасининг кредитор тариқасидаги талабларини тақдим этишнинг ягона тартибини тасдиқлайди;

- суд бошқарувчилари сифатида фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг аттестациядан ўтиш тартибини, уларга нисбатан малака ва касбга оид талабларни ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартибини тасдиқлайди;

- суд бошқарувчилари фаолияти тартибини тасдиқлайди;
- санация фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;
- устав фондида давлат улуши бўлган банкрот корхоналарнинг мол-мулкини реализация қилиш тартибини белгилайди;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шу билан бирга мазкур қонунда банкротлик соҳасидаги давлат органининг ваколатлари ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи:

- тўлов қобилиятига эга бўлмай қолган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини юритади;
- устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат этади;
- суд бошқарувчилари аттестациясини ўтказди ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади;
- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни судгача санация қилиш, уларнинг суд санацияси ва ташқи бошқаруви режаларини келишиб олади;
- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш қандай бораётганлиги, шунингдек бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади;
- суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади, суд бошқарувчисининг фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда уни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат этади;

- молиявий аҳволи мониторинги юритилаётган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларига мазкур корхоналар молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шу билан бирга «Банкротлик тўғрисида» ги қонун юридик шахсни тугатишнинг ўзига хос тартибини белгилайдики, ҳозирги кунда бундай мураккаб тартибни амалга оширишда бир қатор муаммолар вужудга келмоқда. Биринчи навбатда суд томонидан банкрот деб топилаган, тугатилаётган юридик шахсни тугатилгунча бошқарадиган бошқарувчини тайинлашда малакали ташқи бошқарувчиларни топиш муаммоси бўлса, иккинчидан яқка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топишда унинг ҳақиқий молиявий аҳволини аниқлашнинг қийинлиги.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда банкротликнинг содда таомили амалиётда кўп қўлланилмоқда. Ушбу таомилга мувофиқ, тугатилаётган юридик шахсда банкротлик аломатлари мавжуд бўлса ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тугатилади. Хўжалик суди тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, тугатиш бошқарувчисини тайинлайди. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди. Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида унга тақдим этишга ҳақли.

Банкротликнинг содда тамойилини қўллаш юридик шахсни тугатиш мобайнида кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар талабларини кондиритиш муддатларини қисқартиришдан иборатдир³³. Амалиётда бу ҳолатга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар хўжалик суднинг 2005 йил 20 майдаги Ҳал қилув қарори билан мажбурий тўловлар бўйича 4.374.155 сўм қарзларни 3 ойдан ортиқ муддат ичида тўлай олмаганлиги сабабли «Vokat» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш учун З.Аҳмедовни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаган³⁴. Бунда суд ҳал қилув қарори чиқариш учун «Банкротлик тўғрисида» ги қонуннинг 4-моддасини асос қилиб келтиради.

Умуман олганда «Банкротлик тўғрисида»ги қонун юридик шахсни бекор бўлишининг битта асоси ва усули хусусидаги қоидаларни мустаҳкамлайди. Лекин, ҳозирги кунда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари тизимида банкротлик муносабатларининг бу қадар кенг қамровли аҳамиятга эга бўлиши ва бир вақтнинг ўзида тугатишнинг узоқ муддатли жараёнини қамраб олиши турли тушунмовчиликларни келтириб чиқарсада, бундай тартиб кредиторлар манфаатлари учун аҳамиятли жиҳатларга эгадир.

Юридик шахсларни бекор бўлиши, хусусан тугатишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июлдаги №ПФ-2331 сонли «Молия-хўжалик фаолиятни амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ўзига хос ўринга эга. Фармоннинг юридик шахсларни бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти шундаки, унда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус

³³ Имомов Н. Муддат юридик факт сифатида.//Ҳаёт ва қонун.-Тошкент, 2003.-№4.-Б.49.

³⁴ Тошкент шаҳар хўжалик суди архиви материаллари. 2005 йил.

(республика, вилоят, шаҳар ва туман) комиссияларини тузиш лозимлиги, савдо ҳамда савдо-воситачи корхоналар уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларга тегишли ҳисобварақларини тижорат банклари томонидан ёпилиши кераклиги назарда тутилади.

Шу билан бирга мазкур Фармонда ҳисобварақлар ёпилганидан сўнг корхонанинг ҳисобварағига келиб тушган пул маблағлари хусусида қуйидаги қоида белгиланган: хўжалик юритувчи субъектлар номига келиб тушадиган маблағлар уларнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварақларга қўшилади. Фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварақларга жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини тўлашга, қолган суммаларни эса тўловларнинг календарь навбатига қараб уларнинг кредиторлик қарзларини тўлашга сарфланади. Бу қоидада белгиланган маблағларни кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга сарфланиши кераклиги ҳақидаги ҳолат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳамма вақт бузилган ҳуқуқларни тиклашга ҳаракат қилинишидан далолат беради.

Юридик шахсларни бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир қонун ҳужжати бу – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июль куни қабул қилинган №327-сонли «Молия-хўжалик фаолиятни амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» ги қароридир. қарорда қонунчиликда белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда ўз устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналар уни амалда шаклланган, лекин қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган, миқдоргача камайтиришлари

ёки белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳукукий шаклларга қайта ташкил этилишлари мумкинлиги маълумот учун қабул қилиниши белгиланган. Шу билан бирга мазкур қарорда «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» ги Низом қабул қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Ушбу Низомда юридик шахсларни бекор бўлишида муҳим аҳамияга эга бўлган «молия-хўжалик фаолияти» тушунчасига таъриф берилади ва бу ҳолат келажакда амалиётда вужудга келиши мумкин бўлган кўплаб муаммоларни олдини олади. Низомга кўра, «молия-хўжалик фаолияти» атамаси остида корхоналарнинг бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб, товарга илова қилинадиган ва статистика ҳужжатларни юритган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан молия, солиқ, банк, божхона ва бошқа органлар ва муассасалар билан ўзаро муносабатлари тизими тушунилади.

Низомда корхонани тугатиш учун иккита асос мавжуд бўлиши кўрсатилади:

- корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёхуд таъсис ҳужжатларида вакил қилинган органи қарори;

- хўжалик суди қарори.

Шу билан бирга Низомда тугатилаётган корхоналарни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби, бунда тижорат банклари, солиқ органи, корхонани тугатиш бўйича махсус комиссиянинг ваколатлари белгиланган. Корхонани тугатиш тартиби тўғрисидага ўта муҳим қоидаларни белгилар экан Низомнинг 3-бўлими, 1-бандида бутун тугатиш жараёнининг тартиби умумий ҳолатда қуйидагича баён этилади:

- рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав

жамгармасини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки махсус комиссиянинг хулосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органларга, асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда, корхонани ихтиёрий тугатишни таклиф этади. Корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти – бир ой муддатда) ихтиёрий равишда ўзини тугатишга киришмаган ёхуд муассислар (қатнашчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган орган корхонани ихтиёрий равишда тугатишни рад этган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган корхонани тугатиш тўғрисида хўжалик судига бир ҳафта муддатда, белгиланган тартибда даъво аризаси юборади. Хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топширигига кўра муассислар (қатнашчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган орган ёхуд махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Шунингдек Низомда молия-хўжалик фаолиятини ташкил этилганидан бери амалга оширмай келаётган корхоналарни тугатишнинг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни назарда тутилади:

Биринчидан, корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи ёхуд ҳудудий махсус комиссия қуйидаги ҳаракатларни амалга оширадилар:

- корхонанинг тугатилиши тўғрисида матбуотда эълон берадилар;
- банк муассасаларидаги фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобвараги ҳамда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварагини ёпадилар;
- муҳрлар ва штампларни йўқотиш учун ички ишлар органларига топширадилар;
- рўйхатдан ўтказувчи органга корхонани давлат реестридан чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладилар.

Иккинчидан, матбуотда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиққандан сўнг камида бир ойдан кейин қуйидаги ҳужжатлар тақдим

этилганда корхона рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат реестридан чиқарилиши мумкин:

- корхонани унинг тугатилиши муносабати билан юридик шахслар давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза;
- корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи ёхуд хўжалик судининг корхонани тугатиш тўғрисидаги қарори;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси;
- рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари;
- банк муассасасининг фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварағи ҳамда кутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи ёпилганлигини тасдиқловчи ҳужжати;
- тегишли ички ишлар органининг корхона муҳрлари ва штамплари йўқ қилиш учун топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжати;
- солиқ органининг корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;
- оммавий ахборот воситаларида корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- солиқ органи томонидан тасдиқланган тугатиш баланси;
- ҳужжатлар Давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Бундан ташқари Низомда муассислари бедарак бўлган корхонани тугатишнинг хусусиятлари ҳам белгиланган.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан 1999 йил 25 ноябрда тасдиқланган «Ишончли шахс тўғрисида» ги Низом ҳам муҳим ааҳмиятга эга. Зеро мазкур Низом орқали юридик шахсни

тугатиш ишларини олиб боровчи шахс, уни тайинлаш тартиби, ваколатлари ва ишончли шахсни мукофотлаш қоидалари мустаҳкамланган бўлиб, бу қоидалар, тугатиш ишларини қонуний ва тарафлар учун манфаатли амалга ошириш учун хизмат қилади. Чунки Низомда ишончли бошқарувчининг қуйидаги ваколатлари санаб ўтилган:

- кредиторлар йиғилишини чақириш;
- ўз ваколатларини бажариш учун бошқа шахсларни жалб қилиш;
- тугатиш комиссияси томонидан таклиф қилинган тугатиш режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланмаган ва улар ўз режасини таклиф этмаган тақдирда бу режани тасдиқлаш;
- қарздор мол-мулкнинг савдо-сотиғини ўтказиш бўйича ташкилотчи бўлиш ёхуд шартнома асосида ихтисослашган ташкилотга савдоларни ўтказишни топшириш;
- қонунларга мувофиқ қарздор мажбуриятлари бўйича моддий жавобгар бўлган учинчи шахсларга уни банкротликка келтириш билан боғлиқ талаблар қўйиш;
- харидорга хизмат қиладиган тижорат банкининг тегишли қафолатларини тақдим этиш шарти билан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан корхона ёки унинг мол-мулкни бўлиб-бўлиб сотиш;
- кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан аукцион савдоларини ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида арзонбаҳо ва тез эскирадиган мол-мулк, шунингдек, хомашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини сотишни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни 56-моддасига мувофиқ тартибда қарздор шартномаларини бажаришни рад этиш ва ҳоказо.
- олдиндан давлат божини тўламай, кейинчалик уни айбдор тарафдан ундириш шарти билан дебиторликҳалла қўмитасидан оилавий аҳволи ва тураржойи тўғрисида маълумотнома;

- қарзини ундириш;
- қарздор томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш;
- қарздор мол-мулкини бошқаларнинг ноқонуний эгалик қилишидан талаб қилиб олиш;
- йўқ бўлган қарздор мол-мулки аниқланганда банкротликнинг соддалаштирилган тартибини тўхтатиш ҳақидаги илтимоснома билан;
- бошқа ҳолларда.
- ишончли шахс кредиторлар йиғилишини ўтказишда ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар кўриш учун хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Юқорида санаб ўтилганлари билан бирга бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари ҳам мавжудки, уларда юридик шахсларни бекор бўлишига оид муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Бундай қонун ҳужжатлари жумласига, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 июндаги 294-сон қарорига 1-илова «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида» ги Низом³⁵, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан 1999 йил 27 июлда «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими тўғрисида» ги №12-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш» Тартиби ва бошқалар киради.

Шу билан бирга юридик шахсларнинг турларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари шу турдаги юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамланган. Масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда АЖларнинг бекор бўлиши, «Маъсулияти чекланган

³⁵ Мазкур Низомга ЎЗР ВМ 19.01.2004 й. 31-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

жамият тўғрисида»ги қонунда МЧЖларни бекор бўлиши, «қўшимча маъсулиятли жамият тўғрисида» ги қонунда ҚМЖни тугатишнинг хусусиятлари очиб берилган.

Юридик шахслар бекор бўлишини тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий тавсифи шуни кўрсатадики, юридик шахсларни бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари муайн бир тизимга солинмаган ва уларни амалиётда тўлиқ татбиқ этишнинг изчил механизми ҳам мавжуд эмас. Бу соҳадаги қонун ҳужжатлари тарқоқ бўлиб, уларни қўллаш ва муйян муаммони ечимини топишда улардан фойдаланиш турли тушунмовчиликларни вужудга келтириш мумкин. Шу муносабат билан юридик шахсларнинг бекор бўлишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг яхлит тизимини шакллантириш мақсадида кўплаб идоравий характердаги қонун ҳужжатлари ўрнига доимий тавсифга эгаллиги билан ифодаланувчи Ҳукумат қарорларини қабул қилиш ва ҳар бир қонун ҳужжати бир-бирини такрорламаслигига эътибор қаратиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари ҳам ўзига хос беқарорликка эга бўлди. Бироқ, мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар тизимида юридик шахсларни ташкил этиш ва уларни бекор бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар муҳим аҳамият касб этганидек, ушбу ҳолатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ҳам ислохотлар билан ҳамоҳанг такомиллашиб бориши ўзига хос зарурий омилдир. Шу муносабат билан, мамлакатимизда «Юридик шахсларни қайта ташкил этиш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Низомини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча мазкур қонун ҳужжатида юридик шахсларни қайта ташкил этиш асослари, қайта ташкил этиш ваколатига эга шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қайта ташкил этиш ҳужжатлари (тақсимлаш баланси ва топшириш далолатномаси), қайта ташкил этиш жараёнида амалга

оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, қайта ташкил этиш юзасидан давлат мониторингини олиб бориш, қайта ташкил этиш қарори, қайта ташкил этиш усуллари ва улардаги ўзига хос ҳолатлар каби муҳим қоидалар ўз ифодасини топиши лозим. Бундай Низомнинг қабул қилиниши юридик шахсларни қайта ташкил этиш билан боғлиқ мураккаб қоидалар ва нормаларни амалиётга татбиқ этишда муҳим манба вазифасини бажарар эди.

1.3. Тижоратчи юридик шахсларнинг бекор бўлиши ўзига хос фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида.

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг янги мазмун ва маъно касб этиши, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган усуллариининг вужудга келиши ҳамда фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги шартнома муносабатларини тартибга солишда янги қонунчилик базасининг шаклланиши фуқаролик ҳуқуқининг бир қатор институтлари такомиллашиши ва янги қоидалар асосида ривожланишига олиб келди.

Иқтисодий ҳаётда вужудга келган янги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари каби “юридик шахсларнинг бекор бўлиши” институти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бевосита фуқаролик ҳуқуқининг шу институти орқали субъектлар ўртасидаги фуқаролик муомаласида аниқлик, мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи институтларида зарурий ҳолат фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида ҳатти-ҳаракатнинг бошланиш пайти, субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш, қарздор ва кредитор ўртасидаги муносабатларнинг муддатлари, ўз ҳуқуқини талаб қилиш пайти, ҳуқуқ субъектчилигининг тамом бўлиш вақти белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқининг юқоридаги хусусиятларига эга бўлган институти бу юридик шахсларнинг бекор бўлиши институтидир.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши институтининг фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти сифатида эътироф этилишига сабаб нима деган савол туғилади. Шу саволга жавоб беришдан олдин ҳуқуқ институти масаласига эътибор қаратиш лозим.

М.А.Ахмадшоевнинг фикрича ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг унчалик

катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади.³⁶ Ушбу фикрларни давом эттириб шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ институтлари томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар умумийлик ва ўзаро узвийлик нуқтаи назаридан гуруҳланиши лозим.

И.Б.Зокировнинг фикрича ҳуқуқ институти деганда унчалик йирик бўлмаган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси, яъни мажмуи тушунилади³⁷. Фикримизча бу ерда жумладаги “...бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳи” деганда умумийлиги, ўзига хослиги ва алоҳида жиҳатлари билан бошқа гуруҳдаги ижтимоий муносабатлардан ажралиб турувчи муносабатлар тушунилмоғи лозим.

Баъзи олимларнинг фикрича фуқаролик-ҳуқуқий институтлари деганда, фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг улар тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларидан келиб чиқиб, гуруҳларга бириктирилиши тушунилади³⁸.

Н.Д.Егоровнинг эътироф этишича, фуқаролик ҳуқуқининг у ёки бу кичик соҳаси предметига кировчи ижтимоий муносабатлар алоҳида гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг тузилиш дифференциясини тўлдиради ва муайян кичик соҳалар доирасида тегишли ҳуқуқ институлари мавжуд бўлиши таъминлайди³⁹.

Фуқаролик ҳуқуқи институтларига билдирилган ушбу фикрлар албатта мантикий асосга эга. Бу фикрлардан келиб чиқиб юридик шахсларнинг бекор бўлишини тартибга солувчи умумийлик, ўзига хослик, узвий алоқадорлик мезонлари асосида бириктирилган фуқаролик ҳуқуқий нормалар юридик шахсларни бекор бўлиш институтини ташкил этади.

³⁶ Давлат ва ҳуқуқ назарияси./Масъул. муҳаррир. Бобоев Х.Б. Одилқориев Ҳ.Т. (XIV-боб муаллифи Аҳмодшоева М.А.) -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -314-315 б.

³⁷ И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 1996.-18 б.

³⁸ Иоффе О.С. Советское гражданское право. -М.: Юрлит, 1967. -36 с. ; Гражданское право. В 3-х т../Под ред Сергеева А.П., Толстого Ю.К. (авт. Этой главы Егоров Н.Д.). -М.: Проспект, 1998. Т.1. -25 с.

³⁹ Гражданское право. В 3-х т../Под ред Сергеева А.П., Толстого Ю.К. (авт. Этой главы Егоров Н.Д.). -М.: Проспект. 2003. Т.1. -35 с.

Юридик шахслар бекор бўлишини фуқаролик ҳуқуқидаги мустақил институт сифатида эътироф этишда қуйидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилади:

- бекор бўлиш факти фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларида учрамайди (давлатнинг оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлишини фуқаролик ҳуқуқий муносабат сифатида баҳолаб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда);

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши ўзига хос ижтимоий муносабатлар гуруҳини ташкил этган ҳолда ҳар доим оммавий ва хусусий тартибнинг узвийлиги асосида амалга оширилади;

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтларида мавжуд нормалар билан тартибга солиш мумкин эмас;

- бекор бўлиш факти ҳар доим мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши билан ҳаммадан боғлиқ ҳисобланади;

- бекор бўлиш жараёни ҳам моддий ҳам процессуал нормалар билан тартибга солинади.

Мазкур институтнинг ўзига хос томони шундаки, бу институт ўзининг ҳуқуқий оқибати, мақсади ва вазифасига кўра бир-бирдан фарқ қилувчи икки усулга бўлинади. Бу усуллар бир-биридан фарқ қилсада, уларни ягона мақсад, яъни юридик шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудилигига барҳам бериш бирлаштиради.

Юридик шахсларни бекор бўлиш институтида қайта ташкил этиш орқали юридик шахсларнинг бекор бўлиши ўзига хос ўринга эга. қайта ташкил этиш “бекор бўлиш” институтидаги ёрдамчи институт сифатида ўзида, юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий ворисликни, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг барҳам топмасдан бошқа субъектга ўтиши мумкинлигини, кредиторларнинг ҳуқуқлари ҳамма вақт таъминланишини англатади. ФКнинг 50-моддасида юридик шахс қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворисликка нисбатан қуйидаги қоидаларни мустаҳкамлайди:

- юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатиға мувофиқ янгидан вужудға келган юридик шахсға ўтади. Юридик шахс бошқа юридик шахсға қўшилганида, бу юридик шахсға қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатиға мувофиқ ўтади. Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансиға мувофиқ янгидан вужудға келган юридик шахсларға ўтади. Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансиға мувофиқ уларнинг ҳар бириға ўтади. Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсға айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатиға мувофиқ янгидан вужудға келган юридик шахсға ўтади.

Бу қоидалар юридик шахсни қайта ташкил этишнинг барча турларида ҳуқуқий ворисликнинг ўзига хос жиҳатларини аниқ белгилайди.

Қайта ташкил этилганда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари сифатида, юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шартлиги, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредитори шу юридик шахснинг қарздор бўлишиға олиб келган мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишға ҳақлилиги, агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудға келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўлишлари белгиланган (ФКнинг 52-моддаси).

Юридик шахсларнинг бекор бўлиш институти таркибига кирувчи нормалар муайян бир тизимға солинмаганлиги ва турли қонун ҳужжатларида, ҳар бир юридик шахснинг хусусиятларидан келиб чиқиб

белгиланганлигини айтиб ўтиш лозим. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш институти бевосита ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъекти ҳисобланган шахсни батамом тугатиш сифатида бир қанча ҳаракатларда ифодаланади. Биринчи навбатда бундай ҳаракатлар сифатида юридик шахсни тугатиш бўйича суднинг ёки тегишли органнинг ёхуд муассисларнинг қарори бўлиши лозим бўлса, иккинчидан эса, тугатиш жараёнининг босқичлари ҳисобланади. Учинчидан бу институт учун хос бўлган яна бир ўзига хос хусусият, мазкур институт натижасида вужудга келадиган оқибатнинг уни амалга ошириш жараёни билан узвий боғлиқлигидир.

Биринчи ҳолатда юридик шахсларни бекор бўлиш институтнинг ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлишининг асослари, унинг вужудга келиш шартлари ва бошланиш пайти назарда тутилади. Яъни бунда, юридик шахсларни тугатиш институти нормалари ҳаракатланиш асослари ва амалиётда қўлланилишнинг бошланиш вақти муайян шартлар асосида белгилаб қўйилади. ФКда бу асослар тегишли тартибда санаб ўтилган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга юридик шахсларни суднинг қарорисиз, муассислар ва мулкдорларнинг хоҳиши билан бекор бўлиш ҳолатлари кирса, иккинчи гуруҳга фаолияти давомида қонун ҳужжатларига ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ва ҳуқуқий лаёқатини белгиловчи талабларнинг бузилиши оқибатида суднинг қарори билан бекор бўлиш асослари киради.

ФК биринчи гуруҳга қуйидаги ҳолатларни киритади:

- юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ;

- шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан қўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан;

- юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда.

Албатта мазкур ҳолатларнинг барчаси ҳуқуқий асосларга эга бўлиши, ҳеч қандай ғаразли ёки бошқа салбий ниятларни кўзланмаган бўлиши, алдаш ёки кўзбуямачилик мақсадларида амалга оширилмаётган бўлиши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги №ПҚ-630 Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида” ги Низомида юридик шахсларни ихтиёрий тугатишнинг қуйидаги асослари бир-биридан фарқланади:

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби;

- давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби.

Мазкур Низомда белгиланган тугатиш тартиби татбиқ этилмайдиган юридик шахслар рўйхати қуйидагича белгиланган:

- банклар ва бошқа кредит ташкилотлар;
- суғурталовчилар;
- шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган корхоналар;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналар.

Корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари (қатнашчилари) томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

- тугатувчи - тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорти маълумотлари);
- мўлжалланаётган тугатиш муддати.

Шу билан бирга, мазкур Низомга мувофиқ, корхона муассислари (қатнашчилари) тугатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга⁴⁰.

Иккинчи гуруҳга эса қуйидаги ҳолатлар юридик шахсларни тугатиш асос бўлади:

- фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилганда;
- қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилганда;
- олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса – уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно);
- давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда;
- қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек ФКда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Бу асослар юридик шахсларни тугатишнинг бошланиш факти сифатида ҳуқуқий институтнинг бирламчи нормаларини ўзида ифолайди. Зеро, уларнинг мавжуд бўлмаслиги, мазкур институт ва унинг нормаларининг амал қилмаслигига ва мавжуд бўлмаслигига олиб келарди. Мазкур ҳолатлар ҳақида кейинги параграфларда кенгроқ тўхталишимизни назарда тутиб уларнинг ҳаммаси муайян умумийликка бирлашган нормалар эканлигини ва шу муносабат билан юридик шахсларнинг тугатилиш қоидаларини белгиловчи нормалар йиғиндиси фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос институтини эканлигини таъкидлаш лозим.

⁴⁰ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 17-18-сон, 179-модда.

Юридик шахсларни тугатиш босқичлари бу умумий қоидага кўра, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини меросхўрларга ўтказмасдан бекор бўлишини расмийлаштируви, кредитор талабларини қондиришга қаратилган.

Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кредиторларни юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкни ким ошди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади.

Тугатилаётган юридик шахс кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан ушбу Кодекснинг 56-моддасида белгилаб қўйилган навбат тартибида, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, уни юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки, тугатилаётган муассасанинг эса – пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисmini ушбу корхона ёки муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига (иштирокчиларига), агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек уларни муассислари йўқлигида тугатиш таомили ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Юридик шахс тугатилаётганида биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

Бошқа кредиторларнинг талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда қаноатлантирилади.

Юридик шахсларни бекор бўлиши институтида банкротлик ёрдамчи институти алоҳида ҳамиятга эга бўлади. Одатда ёрдамчи институт муайян ҳуқуқ институти таркибига кириб, ўзига хос алоҳида тузилишга эга бўлади⁴¹. Банкротлик субинститутининг ўзига хос алоҳида тузилиши шундаки, «банкротлик» атамаси остида муайян субъектни ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топиши фактининг тушунчаси, моҳияти, зарурияти, зарурий шартлари каби ҳолатлар билан бирга, банкротлик муносабатларининг мазмуни, банкротлик муносабатларининг субъектлари, банкротлик жараёнининг бошланиши, санация, суд санацияси, ташқи бошқарув, банкротликнинг суд жараёнида кўрилиши, айрим турдаги колрхоналар банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари каби жуда мураккаб ҳолатлар ва ҳаракатлар ётади. Банкротликнинг жуда мураккаб босқичли ва бир неча ўзига хос жиҳатларга эга усулларни ўзида бирлаштирган қоидалар йиғиндиси сифатида «юридик шахсларни бекор бўлиши» институтидан алоҳида, фуқаролик ҳуқуқи соҳасининг мустақил институт сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Бироқ, бунда банкротлик институтининг барча ҳолатлари ҳам «юридик шахсларни бекор бўлиши» институтига мансуб бўлмасада, банкротликнинг асосий мақсади ҳам юридик шахсни тугатиш ҳисобланади. Шу сабабли банкротлик бир вақтнинг ўзида «юридик шахсларни бекор бўлиши» институтидаги ёрдамчи институт ва алоҳида мустақил ҳуқуқ институти ҳамдир. Шу билан бирга банкротлик институти ўзининг услублари, амалга ошириладиган таомиллари ва бошқа жиҳатлари билан фуқаролик ҳуқуқи соҳасининг эмас ҳуқуқ бошқа соҳаси қоидаларини ҳам ўзида ифодалайди. Масалан, фуқаролик процесси ва хўжалик процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи ва корпоратив ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ нормалари банкротлик институтида ўз ифодасини топган.

⁴¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизми. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -5 б.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин. Банкротлик (иктисодий ночорлик) – ҳўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги ҳисобланади («Банкротлик тўғрисида» ги қонуннинг 3-моддаси).

Умумий қоидаги кўра, юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади. Суднинг юридик шахсни банкрот деб ҳисоблаши асослари, шунингдек бундай юридик шахсни тугатиш тартиби қонунда белгиланади.

Юридик шахсни бекор бўлиш институтининг фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти сифатидаги хусусиятлари шундаки, агар вафот этган фуқаронинг мол-мулкига ва мажбуриятларига нисбатан ворислик ҳуқуқи институти татбиқ этилса, бекор бўлган юридик шахсларга нисбатан айнан шу муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисини ташкил этадиган «бекор бўлиш» институти қўлланилади. Юридик шахс «расмий шахс» бўлганлиги ва унинг ҳар бир қатти-ҳаракати расмийлаштирилиб борилиши сабабли уни бекор қилиш ҳам алоҳида қоидаларга асосландики, фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларига нисбатан бу қоидаларни қўллашнинг имкони йўқ.

Шу муносабат билан юридик шахсларни бекор бўлиши муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ўзининг хусусиятлари, тартибга солиш усули (бундай маъмурий тартиб элементларининг мавжудлиги), амалга оширилиш механизми ва жараёнларидан келиб чиқиб, юридик

шахсларни бекор бўлишини фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида мустақил институти сифатида эътироф этиш мумкин.

Ушбу боб якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. муаллиф юридик шахсларнинг бекор бўлиш тушунчасини таҳлил қилиб, юридик шахсларнинг бекор бўлиши тушунчасига қуйидагича илмий-доктринаал таърифни таклиф қилади:

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши деганда, юридик шахснинг қайта ташкил этиш ва тугатилиш йўли билан, кредиторларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ва ҳуқуқий ворислик асосида, фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида барҳам топиши тушунилади.

2. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш тушунчасининг моҳияти ва мазмуни хусусида тўхталиб, «бекор бўлиш» атамаси ҳуқуқий мазмунга эга, амалга оширилиш муайян ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқи субъектлилиги мақомини белгилашда таъсир кўрсатадиган юридик фактнинг ўзига хос тури деган хулосага келиш мумкин. Зеро, юридик факт сингари «бекор бўлиш» қонун йўл қўйган ҳаракатлар орқали амалга оширилади ва ҳамма вақт фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини (бошқача айтганда субъектлилики) бекор бўлишига олиб келади.

3. Юридик шахсларни тугатиш тушинчасига қуйидагича илмий-доктринаал таъриф бериш мумкин:

- юридик шахсни тугатиш деганда, унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс фаолиятининг барҳам топиши ва бекор қилинишига айтилади.

4. Юридик шахслар бекор бўлишини фуқаролик ҳуқуқидаги мустақил институт сифатида эътироф этишда қуйидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилади:

- бекор бўлиш факти фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларида учрамайди (давлатнинг оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида бекор бўлишини фуқаролик ҳуқуқий муносабат сифатида баҳолаб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда);

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши ўзига хос ижтимоий муносабатлар гуруҳини ташкил этган ҳолда ҳар доим оммавий ва хусусий тартибнинг узвийлиги асосида амалга оширилади;

- юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтларида мавжуд нормалар билан тартибга солиш мумкин эмас;

- бекор бўлиш факти ҳар доим мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади;

- бекор бўлиш жараёни ҳам моддий ҳам процессуал нормалар билан тартибга солинади.

5. Юридик шахснинг бекор бўлиши юридик факт сифатида вужудга келтирадиган ҳуқуқий оқибатларнинг кенг қамровли ва юридик шахс турлари каби турли-тумандир. Лекин мана шундай кенг қамровлилик ва ранг-баранглик муайян умумий қоидаларга ва мезонларга асосланади. Бекор бўлиш натижасида «юридик шахс» - деб номланадиган субъектнинг мақоми ўзгаради ёки у бутунлай фаолиятини тамомлайди. Шу билан бирга бекор бўлиш ҳар доим юридик шахслар фаолиятига барҳам берилишига олиб келадики, бу мазкур институтнинг энг муҳим жиҳатидир.

6. Муаллиф юридик шахсларнинг бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, мазкур соҳа қонунчилигининг тарқоқ ҳолда эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида» ги қонунини қабул қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Диссертантнинг фикрича мазкур қонунда юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчаси, қайта ташкил этиш усуллари, қайта ташкил этиш

жараёни ва уни амалга ошириш қоидалари, тақсимлаш баланси ва топшириш далолатномаси, кредиторлар ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари, кредиторлар манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ворислик, юридик шахсларни тугатиш асослари, тартиби, тугатиш тўғрисидаги қарор, тугатиш комиссияси ва унинг фаолияти, кредиторлар талабларини қондириш тартиби, оралиқ тугатиш баланси ва тугатиш баланси, юридик шахс тугатилганда кредитор талабларини қаноатлантириш каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

2-БОБ. Тижоратчи юридик шахслар қайта ташкил этишнинг усуллари ва ҳуқуқий оқибатлари

2.1. Тижоратчи юридик шахслар фаолиятини қайта ташкил этиш усуллари.

Юқорида таъкидланганидек юридик шахслари қайта ташкил этиш, улар бекор бўлишининг асосий усулларида бири ҳисобланади. қайта ташкил этиш хўжалик юритуви субъектлар фаолиятини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ вазифани бажариш мақсадида амалга оширилади⁴².

Бозор муносабатлари шароитида юридик шахслар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш ўзига хос жиҳатларга эга бўлди. Эндиликда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини бозор қонуниятларига мос равишда ташкил этиши ва бозордаги ўзгаришларга мослашиб бориши лозим бўлиб қолди. Айниқса, бозор иқтисодиётининг энг муҳим қонидаси ҳисобланган талаб ва таклиф, рақобат қонуниятлари асосида фаолият олиб бориш хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятлари шаклини ўзгартириш билан бирга, контрагентлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш мақсадида юридик шахсларни қайта ташкил этишни амалга оширишни муҳим вазифа қилиб қўйди. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш ҳаётий заруриятга айланди. Негаки, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида собиқ колхоз ва совхозларга тегишли ерларни ёппасига фермер ва деҳқон хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослар етарли эмас эди. Шу муносабат билан ҳукумат томонидан ширкат ва жамоа хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этишни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди⁴³.

⁴² Братусь С.Н. Субъекты гражданского права.-М.:Юридлит, 1950.-221 с.

⁴³ Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-88 б.

Шу билан бирга юридик шахслар муассисларининг хошиш-иродалари ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик ахволи, ҳамда юридик шахснинг келажакдаги фаолиятини давом эттира олиш имкониятлари ҳам қайта ташкил этишнинг зарурлигини асослайди.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчасининг легал таърифи ифодаланмаган. Шу билан бирга ҳозирги кунда қайта ташкил этишнинг юридик шахсларни бекор бўлиш усули эканлиги хусусида ҳам ҳуқуқий адабиётлар кўплаб қарама қарши фикрлар мавжуд. Кўплаб муаллифлар қайта ташкил этиш юридик шахсни бекор бўлиш усули эканлигини таъкидлашса⁴⁴, баъзилари қайта ташкил этишнинг барча усуллари ҳам юридик шахсни бекор қилиш ҳисобланмаслигини таъкидлашади⁴⁵.

Масалан, Г.С.Шапкина қайта ташкил этишнинг учта шаклида (қўшиб юбориш, ажаратиш, ажартиб чиқаришда) юридик шахсни бекор қилиш ва унинг ҳуқуқий вориси бўлган янги юридик шахсни ташкил этилишини назарда тутилади, айтиш вақтида эса, қўшиб олишда фақатгина қўшиб олинаётган субъект тугатилади, ўзгартиришда эса фақат янги субъект вужудга келиши кўзда тутилади⁴⁶. И.В.Елисеев ҳам, ўзгартиришни қайта ташкил этиш шакллари жумласига киритмайди⁴⁷.

Мазкур фикрларни давом эттириб А.В.Соцкова қайта ташкил этишнинг барча шакллари хос бўлган умумий мезонлар мавжуд эмас, чунки қайта ташкил этишнинг ҳамма шакллари ҳам юридик шахсни бекор бўлиш усули

⁴⁴ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 105-106 б.; Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. - Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. - 175 б.; Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 139 б. Долинская В.В. Акционерное право. - М.: 1997.; Телюкина М.В. Прекращение деятельности юридических лиц // Субъекты гражданского права. - М.: 2000. - 39 с.

⁴⁵ Шапкина Г.С. Новое в российском акционерном законодательстве (изменения и дополнения Федерального закона «Об акционерных обществах») // Вестник ВАС РФ. - Москва. 2002. - №2. - С.64.; Соцкова А.В. Некоторые вопросы реорганизации акционерных обществ // Юридический мир. - Москва. 2006. - №1. - С.40.

⁴⁶ Шапкина Г.С. Новое в российском акционерном законодательстве (изменения и дополнения Федерального закона «Об акционерных обществах») // Вестник ВАС РФ. - Москва. 2002. - №2. - С.64.

⁴⁷ Гражданское право. В 3-х т. / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: Проспект, Проспект, 2003. Т.1. С.162.

ҳисобланмайди. Бунда фақатгина ҳуқуқий ворислик қайта ташкил этишнинг барча шакллари учун хосдир, - деб фикр билдиради⁴⁸.

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллари хусусидаги Г.С.Шапкина, И.В.Елисеев ва А.В.Соцковаларнинг фикрлари анча баҳсли эканлигини қайд этиш лозим. Зеро, қайта ташкил этишнинг барча усулларида ўзига хос бекор бўлиш ҳолати кузатилади. Зеро, қайта ташкил этишнинг барча ҳолатида ҳуқуқий ворисликнинг татбиқ этилиши ҳам ана шу ҳолатдан далолат беради. Шу билан бирга қайта ташкил этилганда янги ҳуқуқ субъектининг вужудга келиши ҳам бекор бўлиш факти содир бўлганлигини англатади. Масалан, ўзгартиришда ҳам янги юридик шахс вужудга келади, бироқ эски юридик шахс ўз номини ёки ташкилий-ҳуқуқий шаклини юқотади ва бухолда ўзгартирилган юридик шахс янги ҳуқуқ субъекти сифатида олдингисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ворислик қилади. Гарчи бу вазиятда анъанавий бекор бўлиш тўлиқ ўз ифодасини топмасда, ҳуқуқий ворисликнинг мавжудлиги, янги субъектнинг олдинги субъект “базасида” вужудга келиши қайта ташкил этишнинг барча шакллари юридик шахсларнинг бекор бўлиши эканлигини англатади.

Таъкидлаш лозимки, қайта ташкил этиш тушунчасига баъзи муаллифлар доктринал таъриф беришга ҳаракат қилишади. Масалан, А.В.Соцкованинг фикрича, қайта ташкил этиш – бир ёки бир неча юридик шахс (ҳуқуқий ўтмишдош) ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ўтмишдошнинг бекор бўлиши ва ҳуқуқий ворисни вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатда бошқа юридик шахс ёки шахсларга (ҳуқуқий ворис) ҳуқуқий ворислик тартибида ўтишини тавсифловчи ҳолат (юридик ҳаракатлар мажмуи) тушунилади⁴⁹.

Фикримизча мазкур таъриф юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчасига берилган анчайин асосли таклиф ҳисобланади. Бироқ, унда

⁴⁸ Соцкова А.В. Некоторые вопросы реорганизации акционерных обществ//Юридический мир.-Москва. 2006.-№1.-С.40.

⁴⁹ Соцкова А.В. Некоторые вопросы реорганизации акционерных обществ//Юридический мир. – Москва. 2006. -№1.-С.42-43.

баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, мазкур тарифда ҳуқуқий ворислик учун асосий ҳолатлар ҳисобланган кредиторларни огоҳлантириш хусусидаги қоидалар ҳам ўзи ифодасини топиши лозим эди. Шу муносабат билан қайта ташкил этиш тушунчасига қуйидагича илмий-доктриниал таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

- қайта ташкил этиш – бир ёки бир неча юридик шахс (ҳуқуқий ўтмишдош) ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кредиторларнинг ҳуқуқларини қаноатлантирилиши асосида, ҳуқуқий ўтмишдошнинг бекор бўлиши ва ҳуқуқий ворисни вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатда бошқа юридик шахс ёки шахсларга (ҳуқуқий ворис) ҳуқуқий ворислик тартибида ўтишини тавсифловчи ҳолат (юридик ҳаракатлар мажмуи) тушунилади.

Мамлакатимиз фуқаролик қонунчилиги юридик шахсни қайта ташкил этиш асосларини белгиламайди. Фақатгина қайта ташкил этишга биргина асос сифатида муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорини келтиради. Бунда муассислар ёки юридик шахс органининг қарори қайси ҳолат ёки сабабга асосланиши кўрсатилмайди. Фикримизча бундай ҳолат бозор муносабатлари шароитда фуқаролик ҳуқуқининг диспозитивликка асосланиши, субъектлар тенглиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашिशга йўл қўйилмаслиги, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ва энг муҳими мулкдорнинг ўз мол-мулкидан ўз хоҳиши ва мафаатларини кўзлаб эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши билан изоҳланади. Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Бу ўринда юридик шахсни қайта ташкил этишда кимнинг, муассислар ва юридик шахс органининг ёки ваколатли давлат органи ва суднинг хоҳиш истаги биринчи ўринда туришини аниқлаб олиш лозим. Б.Ибратов ва

Н.Ш.Саид-Газиеваларнинг фикрича, бунда юридик шахс муассисларининг хоҳиш-истаги биринчи ўринда туради⁵⁰.

У.Эрназаров корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхонани тугатишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки хўжалик суди қарорига биноан амалга оширилади⁵¹.

Ҳ.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича бу масалани ҳал қилишда янги Кодексида судга кенг ваколат берилади. Масалан, агар юридик шахс белгиланган муддатда қайта ташкил этилмаса, суд ваколатли органнинг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди, ушбу вазифани бажаришни унга топширади⁵².

Е.А.Сухановнинг фикрига кўра, бирлашиш, қўшиш, қайта ташкил этиш ихтиёрий равишда қонунда белгиланган ҳолларда давлат органларининг розилиги билан амалга оширилади. Бунда розилик товар бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келишини назорат қилиб турувчи антимонопол органларидан талаб қилинади⁵³.

Фикримизча бу ўринда юридик шахсни қайта ташкил этишда биринчи навбатда муассисларнинг қарори бирламчи хусусиятга эга бўлади. Зеро, тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этишда ваколатли давлат органларидан олинadиган розилик ҳам айнан муассисларнинг қарорларидан сўнг амалга оширилади.

Шу билан бирга юридик шахсларни мажбурий тартибда қайта ташкил этиш асосан товар бозоридага монополистик фаолиятни чеклаш мақсадида ҳам амалга оширилади. Зеро, бу ҳолатда давлат ижтимоий ҳимоя ва фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мажбурий тартибдаги қайта ташкил этишни ташкил этади. Бу ҳолатда кўпинча

⁵⁰ Ибратов Б., Саидғозиева Н. Тадбиркорлик кафолатлари.//Истиклол ва ҳисобот. – Тошкент, 1998. - №2. - Б.21.

⁵¹ Эрназаров У. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишматган корхоналарни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. -№10. -Б.29.

⁵² Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.-175 б.

⁵³ Гражданское право. В 2-х т../ Отв.ред. Е.А.Суханов. Т.1.-М.:БЕК,1998.-200 с.

«монополь юридик шахс»ни бўлиш ёки ажратиш усули танлаб, бу орқали тегишли соҳадаги яққа, қудратли ва энг муҳими монополь ташкилот ўрнига рақобатни вужудга келтирадиган ва бу билан истёъмолчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритадиган икки ёки ундан кўп юридик шахс ташкил этилади. Бинобарин, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида монополистик фаолиятининг қисман бўлсада мавжудлиги, истёъмолчиларнинг манфаатларига жуда катта зарар етказди, бозорлар мавжудлигининг асосий шарт бўлган рақобатнинг ривожланишига, товарларнинг истёъмолчиларга тўғридан-тўғри етиб боришига сунъий тўсқинлик қилади⁵⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида» ги Низомнинг 31-бандига мувофиқ давлат корхонаси муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши мумкин⁵⁵.

Муассис ёки юридик шахс органининг қарори бу – ушбу субъектларининг субъектив ҳуқуқлари бўлиб, қонун тўғридан-тўғри назарда тутилмаганлиги учун улар ўз қарорларини ҳеч қандай сабаб ёки ҳолат билан асосламасликлари мумкин. Бунда фақатгина муассис ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахнинг органи юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиб, қайта ташкил этиш усулини танлайди.

Юридик шахслар қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқ ва бурчлари бошқа юридик шахсга ўтади. Ҳуқуқ ва бурчларнинг ўтиш тартиби, ҳуқуқий ворислик масалалари юридик шахсни қайта ташкил этиш усулларига қараб турлича бўлади.

⁵⁴ Саид-Ғазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истёъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 5 б.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. 42-сон, 417-модда.

Умумий қоидаги кўра қайта ташкил этиш юридик шахс муассисларининг қарори билан, аниқроғи ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бироқ, тижоратчи ташкилотларга нисбатан, қонун ҳужжатларида мажбурий тартибда қайта ташкил этиш ҳолларда ҳам кўзда тутилган⁵⁶. ФКнинг 49-моддаси 2-қисмида мажбурий тартибда қўшиб олиш қоидалир мустаҳкамланган бўлиб, қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади. Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади. қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» ги қонунининг 16 – моддасига мувофиқ, устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузган тақдирда,

⁵⁶ Гражданское право. В 3-х т./ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.Т.1.-М.:2003.Проспект,-162 с.

монополияга қарши давлат органи рақобатни ривожлантириш мақсадида уни мажбурий тарзда бўлиб юбориш ёки ундан таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш ҳақида судга даъво аризаси беришга ҳақлидир. Хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиб юбориш қуйидаги шартларнинг ҳаммаси бўлганида, яъни:

- бўлиб юборилаётган таркибий бўлинмалар ташкилий ва ҳудудий жихатдан ажралиб чиқиши мумкин бўлса;

- унинг таркибий бўлинмалари ўртасида технология жихатидан ўзаро узвий боғланиш бўлмаганида;

- бўлиб юбориш натижасида таркибий бўлинмалар муайян товар бозорида мустақил ишлаш имкониятига эга бўлганида амалга оширилиши мумкин.

Бундай тартиб хусусида фикр юритар экан, Ж.Юлдашев қуйидагиларни баён этади:

- иқтисодиётда «хукмрон» мавқега эга бўлиб олган корхоналарни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини кўзлаган ҳолда ва эркин рақобатни тўғри йўлга қўйиш мақсадида қайта ташкил этишнинг ажратиш ёки бўлиш шакли мажбурий тартибда қўлланилади⁵⁷.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб юридик шахсларни қайта ташкил этиш орқали тугатишда бозор иқтисодиёти талаблардан келиб чиқиб кўпинча ихтиёрий усулда қайта ташкил этиш қўлланилади. Бироқ, давлат органлари истеъмолчилар манфаатларини назарда тутиб қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тижоратчи юридик шахсларни мажбурий тартибда қайта ташкил этишни амалга оширишлари мумкин.

Юридик шахслар қайта ташкил этилганда ҳамма вақт топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси тузилади. Ҳар бир шахс учун қайта ташкил этишнинг ўзига хос тартиби ва ўзига хос қоидалари белгилансада, ФК топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига нисбатан умумий қоидаларни

⁵⁷ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент :ТДЮИ, 2004. -139 б.

белгилайди. Бунда бўлиш ва ажратишда тақсимлаш баланси тузилса, қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартиришда топшириш ҳужжати тузилади.

ФКнинг 51-моддасига мувофиқ, топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак. Бунда ҳар бир ҳолат бўйича тарафларнинг ўзаро келишувига эришилиши лозим бўлади. Агар қайта ташкил этишда иштирок этаётган юридик шахслардан бирининг топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига нисбатан эътирози бўлиши юридик шахсни қайта ташкил этилишига монелик қиладиган ҳолат сифатида баҳоланади.

Таъкидлаш лозимки, топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс қайта ташкил этилаётганда тузилиши лозим бўлган энг муҳим ҳужжатлар бўлиб, уларнинг бири иккинчисидан алоҳида ҳолда тузилмайди. Аксинча бу икки ҳужжат бир-бирини тўлдириб туриши билан аҳамиятли ҳисобланади. Шу сабабли ушбу ҳужжатларнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни ҳақида фикр юритганда улар учун хос бўлган фикрлар ифода этилади.

Албатта бу ўринда топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси битта ҳужжат эканда деган нотўғри хулосага келмаслик лозим. Зеро, топшириш ҳужжати бекор бўлаётган юридик шахсга тегишли бўлган қандай нарсалар янги вужудга келаётган юридик шахсга ўтиши, бунда кредиторларнинг ҳуқуқлари масалалари ифода этилса, тақсимлаш балансида вужудга келаётган бир неча юридик шахслар ўртасида бекор бўлаётган юридик шахснинг мол-мулклари қай тартибда ва қандай ҳажмда тақсимланиши ифода этилади.

Бироқ, ҳар иккала ҳужжат ҳам битта мақсадани кўзлайди ва улар мазмунида қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан

тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар

Шу билан бирга топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига қўшимча равишда инвентаризация ҳужжатлари, инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг юридик шахс таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда янгидан вужудга келатёган юридик шахс таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият)лар рўйхати тузилиши лозим.

Мазкур ҳужжатларнинг тузилмаслиги ва улар ҳақидаги аниқ кўрсатманинг мавжуд бўлмаслиги юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги важи билан уни давлат рўйхатидан ўтказмаслик учун асос бўлади.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, таъсис ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахсни қайта ташкил этиш жараёнидаги энг муҳим ҳужжат сифатида бекор бўлаётган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида ифода этиши билан бирга, янги юридик шахсга ана шу ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтишини расмий жиҳатдан тасдиқлайди.

В.А.Дозорцевнинг фикрича қайта ташкил этиш юридик шахс ҳуқуқ субъектчилигининг шундай ўзгаришики (шу билан бирга бекор бўлиши) бунинг натижасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсга тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи, сингуляар эмас, универсал ҳуқуқий ворислик асосида бошқа шахсга ўтади⁵⁸.

А.Шукруллаевнинг таъкидлашича, қайта ташкил этиш, илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришдир⁵⁹.

Фикримизча бу ўринда В.А.Дозорцевнинг фикрлари қайта ташкил этиш тушунчасига кенгроқ ва атрофлича таъриф ҳисобланади. Шу билан бирга бу таърифда юридик шахслар қайта ташкил этилишининг энг муҳим ҳолати ҳуқуқий ворислик эканлиги таъкидланади.

ФКнинг 49-моддаси қўшиб юборишнинг қуйидаги усулларини кўрсатиб ўтади:

- қўшиб юбориш;
- қўшиб олиш;
- бўлиш;
- ажратиб чиқариш;
- ўзгартириш.

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш усулларининг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, уларнинг ҳар бирида юридик шахсни қайта ташкил этишнинг у ёки бу субъект учун қулай ва фойдали жиҳатлари мавжудки, бунда тарафлар қайта ташкил этишнинг у ёки бу усулини танлашда ўз хоҳишларидан келиб чиқадиладар.

Юридик шахсларни «қўшиб юбориш» атамаси айна пайтда юридик шахсларни «бирлаштириш» атамаси билан бир маънода ишлатилиш ҳолатларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, 1963 йилги Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодексининг 39-моддасида юридик шахсларни қайта

⁵⁸ Субъекты гражданского права./Под.ред. С.Н.Братуся.-М.:Юридлит, 1984. -99 с.

⁵⁹ Тадбиркорлик ҳуқуқи./Масъул муҳаррир.Ф.Ҳ.Отахонов.-Тошкент: ТДЮИ, 2003.-111 б.

ташкил этишнинг фақат учта шакли келтирилган бўлиб, улардан биринчиси «бирлашиш» - деб номланарди. Шу билан бирга «қўшиб юбориш» ва «бирлашиш» атамалари рус тилида битта ном «слияние» деб номланади. Ажабланарли жиҳати шундаки, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунда АЖларни қайта ташкил этишнинг усуллари сифатида ҳам «қўшиб юбориш»(96-модда), ҳам «бирлаштириш» (97-модда) назарда тутилган эди. Мазкур қонунда «қўшиб юбориш» тушунчасига «ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги жамиятни вужудга келтириш жамиятларининг қўшиб юборилиши деб ҳисобланади» - деб таъриф берилса, «бирлаштириш» тушунчасига «бир ёки бир неча жамият фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказиш – жамиятни бирлаштириш деб ҳисобланади» - деб таъриф берилади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзгаритиши ва бўлиш кенг қўлланилади. Бироқ, хорижий мамлакатлар ҳуқуқ амалиётида юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг қўшиб юбориш усули кенг тарқалган⁶⁰.

С.Н.Братуснинг таъкидлашича қўшиб юборилганда икки ёки ундан ортиқ юридик шахс битта юридик шахсга бирлашадилар. Бунда А ва Б юридик шахслар В юридик шахсга бирлашади⁶¹.

И.Б.Зокиров фикрича жамият бирлашганда икки ёки бир неча ташкилот ўзининг мустақил равишда иш олиб боришини бекор қилади ва ягона ташкилотга бирлашади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади⁶².

⁶⁰ Европа иқтисодий ҳамкорлигига аъзо давлатларда қўшиб юбориш “янги компания ташкил этиш асосида бирлаштириш” деб номланади. – art. 3-4 of the Third Council Directive 78/855/EEC of 9 October 1978 based on Article 54 (3) (g) of the Treaty concerning mergers of public limited liability companies// Official Journal L 295, 20/10/1978 p. 0036-0043.

⁶¹ Братусь С.Н. Субъекты гражданского права.-М.: Юридлит, 1950.-221-222 с.

⁶² Зокиров И.Б., Сайфуллаев Ф.Х. Совет гражданлик ҳуқуқи.-Тошкент:Ўқитувчи, 1982.-46 б.; Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат. 1996. -58 б.

С.С.Гуломовнинг фикрига кўра, жамиятни қўшиб юбориш деганда, икки ёки бир неча юридик шахсни ўз фаолиятларини тугатиб, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги юридик шахсни вужудга келтиришлари тушинилади ва шу орқали қўшиб юборишда янги вужудга келган жамият бирлашган жамиятларнинг универсал ҳуқуқий вориси ҳисобланади⁶³.

Юридик шахс қайта ташкил этилган бир неча мустақил ҳуқуқ субъекти ўзининг мавжуд бўлишини тугатган ҳолда янги ташкил этилган юридик шахсга бирлашади⁶⁴.

Фикримизча юридик шахсни қайта ташкил этишда икки ёки ундан кўп юридик шахсларни ўз фаолиятларини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари янгидан вужудга келган битта юридик шахсга ўтиши ҳолати «қўшиб юбориш» - деб номланиши лозим. Зеро, ФКда ҳам бу усул айнан «қўшиб олиш» - деб номланган. Шу билан бирга «бирлашиш» ибораси одатда ўзининг мустақиллигини ва «алоҳидалиги» юқотмасдан муайян уюшма ёки бирлашмага айланиш сифатида тушинилади. Масалан ФКнинг 77-моддасига мувофиқ, тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкӣ манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин.

Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Шу муносабат билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунда ифодаланган «қўшиб

⁶³ Раҳманкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право.-Тошкент: ТГЮИ, 2004.-394 с.

⁶⁴ Степанов Д. Формы реорганизации коммерческих организаций: вопросы законодательной реформы// Хозяйство и право.-Москва.2001.-№4.-С.48.

юбориш» усули қайта ташкил этиш орқали юридик шахснинг бекор бўлиши сифатида тушинилса, бу қонуннинг 97-моддасида ифодаланган «бирлаштириш» усулини қайта ташкил этиш ёхуд юридик шахсларни бекор бўлиши сифатида эътироф этиш мумкин эмас. Зеро, мазкур моддада ифодаланган «бир ёки бир нечта жамиятнинг ўз фаолияти тўхтатиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиши» қайта ташкил этиш қоидаларига мутлақо зиддир. қайта ташкил этилганда бир ёки бир неча юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топиши лозим бўлади. Уларнинг фаолияти ҳам «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунда белгиланганидек «тўхтатилмасдан» бекор қилиниши шарт. Чунки, «фаолиятнинг тўхтатилиши» юридик шахсни бекор бўлишини билдирмайди, фаолият тўхтатилганда юридик шахс фаолият тўхталишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг ўз фаолиятини давом эттириши мумкин бўлади. Бу эса, шу юридик шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудлигини билдиради ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у фаолият тўхтатиб турилганда бошқа шахсларга ўтиши мумкин эмас.

Бу ўринда Ж.Юлдашевнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Унинг фикрича, жамиятнинг бирлаштириш асосида қайта ташкил этиш ўз фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ошириш, рақобатга бардош бериш мақсадида бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи ёки ўз маблағларини ягона ишлаб чиқаришга бирлаштиришни мақсад қилган жамият базасида кучли кооператив тизимини шакллантиришга қаратилган ташкил этиш шаклидир⁶⁵.

Ж.Юлдашев АЖларни «бирлаштириш» хусусида фикр юритиб «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунда белгиланган «бирлаштириш»ни қайта ташкил этиш усули деб ҳисоблайди. Шу ўринда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 97-

⁶⁵ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент: ТДЮИ, 2004.-141-142 б.

моддасида белгиланган «бирлаштириш» нормасини чиқариб ташлаш лозим. Чунки, бу норма ФКнинг 49-моддаси талабларига зиддир.

Юридик шахсларни қўшиб юборишни амалга ошириш тартиби шу юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ифодаланди⁶⁶. Масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 96-моддасига мувофиқ, қўшиб юборишда иштирок этаётган жамият қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек ҳар бир жамият акцияларини янги жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши қўшиб юборишда иштирок этаётган акцияларнинг умумий йиғилиши ҳукмига қўшиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги, қўшиб юбориш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Масалан, «Савдофармсаноат» шўъба корхонаси ва «Эка-Фарм» масъулияти чекланган жамият муассисларининг 2004 йил 2 сентябрдаги умумий йиғилишида мазкур юридик шахсларни қўшиб юбориш тартибида қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқилган. Мазкур юридик шахслар муассисларининг ўзаро келишувчига мувофиқ, «Савдофармсаноат» шўъба корхонаси ва «Эка-Фарм» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) қўшиб юбориш орқали янги тадбиркорлик фаолияти субъекти «Савдофармсаноат» масъулияти чекланган жамият вужудга келган ва у юқоридаги икки юридик шахснинг ҳуқуқий меросхўри ҳисобланиши белгиланган. Шу билан бирга йиғилишда янги вужудга келган МЧЖ иштирокчилари ўртасидаги таъсис шартномасини кўриб чиқиш масаласи ҳам кўриб чиқиб шартнома тасдиқланган ва янги «Савдофармсаноат» МЧЖнинг бош дериктори ҳам сайланиши масаласи кўриб чиқилган.

⁶⁶ Масалан, Европа Иттифокида акциядорлик жамиятларини қўшиб юбориш бўйича алохида директива қабул қилинган бўлиб, Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларда бу қонун ҳужжати амалда ҳисобаланди./Третья директива о компаниях – Директива о слиянии акционерных обществ./Третья директива Совета 78/855 от 9 октября 1978 г., основанная на подп. «g» п.3.ст.54 Договора, относительно слияния акционерных обществ (JOCE.1978.L 295)

Қўшиб юбориш орқали вужудга келган янги «Савдофармсаноат» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида, йиғилишда топшириш ҳужжати ва иккита юридик шахсни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома тасдиқланганлигини кўриш мумкин.

Мазкур вазият иккита бир-бирдан алоҳида топшириш ҳужжати тузилган бўлиб, биринчиси ҳуқуқий ўтмишдош юридик шахс ҳисобланган «Савдофармсаноат» шўъба корхонасидан ҳуқуқий ворис «Савдофармсаноат» МЧЖ мулкига ўтадиган нарсалар ва ҳуқуқий ўтмишдош «Эка-Фарм» МЧЖдан ҳуқуқий ворис «Савдофармсаноат» МЧЖ мулкига ўтаётган мол-мулклар рўйхати кўрсатиб ўтилган.

Иккита юридик шахсни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада эса, қўшиб юборилган юридик шахслар «Савдофармсаноат» шўъба корхонаси ва «Эка-Фарм» МЧЖ ҳуқуқий вориси «Савдофармсаноат» МЧЖ эканлиги ва уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиши, ҳуқуқий ўтмишдош юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворис - «Савдофармсаноат» МЧЖга ўтганлиги, янги юридик шахснинг устав капитали 40797055 (қирқ миллион етти юз тўқсон етти минг эллик беш сўм) ни ташкил этиши, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иштирокчиларнинг улуш киритш бўйича мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик каби ҳолатлар ўз ифодасини топган.

Мазкур ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун топширилгач, 2004 йил 29 октябрда «Савдофармсаноат» МЧЖ 000711-10 регестр тартиб рақами давлат рўйхатига олинган⁶⁷.

С.С.Гуломовнинг фикрича, қўшиб юбориш шаклидаги қайта ташкил этишни амалга оширишда қуйидаги босқичлардан кетма-кет ўтиш лозим:

1. Қўшиб юборишда иштирок этувчилар билан қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани тузиш;
2. Қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қўшиб юбориш шаклида қайта

ташкил этиш тўғрисида, қўшиб юбориш шартномасини ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарор қабул қилиниши лозим;

3. Қўшиб юборишда иштирок этаётган жамият акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида янги вужудга келаётган жамият уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш;

4. Қўшиб юборишда бирлашиб кетган қимматли қоғозларни чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қимматли қоғозларни чиқаришнинг натижалари ҳақидаги ҳисобот⁶⁸.

Дарҳақиқат, қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома ҳам фуқаролик-ҳуқуқидаги шартномалардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат нафақат бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган шартнома ҳисобланади, балки собиқ иттифоқ даврида ҳам ҳуқуқшунос олимлар томонидан ташкилий-ҳуқуқий шартномалар хусусида фикрлар билдирилган эди⁶⁹. Бу туркумдаги шартномаларнинг мавжудлиги ҳозирги кунда ҳам юридик адабиётларда кўплаб учрайди⁷⁰.

Ж.Юлдашевнинг таъкидлашича эса, қўшиб олишда қатнашаётган бир ёки бир неча жамият ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа жамиятга бериш билан фаолиятини тўхтатади. қўшиб олиш одатда, жамият акцияларини назорат пакети қайта ташкил этилаётган жамиятнинг мулкӣй комплексини ўз қўлига киритишга ҳаракат қилаётган шахс ёки юридик шахс қўлида тўпланиб қолганда амалга ошади⁷¹.

Фикримизча бу ўринда юридик шахсларни қўшиб юбориш тартиби ҳар бир юридик шахс тури учун шу юридик шахснинг ҳуқуқӣй мақоми, ҳуқуқ ва муомила лаёқати, унинг умумӣй ва ўзига хос белгилари, устав ва низомига

⁶⁸ Раҳманкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право.-Тошкент: ТДЮИ, 2004. -394 –395 с.

⁶⁹ Красавчиков О.А. Гражданские организационно-правовые отношения //Советское государство и право.- Москва. 1996.-№10.-С.55-56.

⁷⁰ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право.М.: Статут, 2002. -59 с.; Раҳмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2003.-15 б.; Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России.-Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2003.-211 с.; Ершов Ю.Л. Принцип свободы договора и его реализация в гражданском праве РФ: Автореф.дисс....канд.юрид.наук.-Екатеринбург, 2001. -24 с.; Раҳмонкулов Х.Мажбурият ҳуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2005. -229 б.

⁷¹ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-142 б.

мувофиқ турлича бўлади. Лекин, ФК қўшиб олишга нисбатан юридик шахслар учун битта умумий қоида қўшиб олинганда ҳуқуқий ворислик қоидасини белгилайди. Унга кўра, юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатиға мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Масалан, «SEGA» хусусий фирмаси ва «Agens Engineering Servis» хусусий корхонаси иккала юридик шахснинг муассиси бўлган Г.А.Кривошекованинг қарори билан муайян зарурият туфайли, мазкур юридик шахсларнинг 2005 йил 31 майдаги биргаликдаги йиғилишда қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган. Бунда «SEGA» хусусий фирмаси бекор қилиниб, у «Agens Engineering Servis» хусусий корхонасига қўшиб олинган. Дастлаб «SEGA» хусусий фирмаси ва «Agens Engineering Servis» хусусий корхонаси ўртасидаги қўшиб олиш шартномаси тузилган ва бу асосида топшириш ҳужжати тузилган. Шундан сўнг вужудга келган янги юридик шахс фаолиятини бошлаган⁷².

Қайта ташкил этиш билан юридик шахслар бекор бўлишининг кейинги усули бу – қўшиб олиш ҳисобланади. қўшиб олиш тушунчасига ФК таъриф бермасида ҳуқуқий адабиётларга «қўшиб олиш» тушунчаси атрофлича таҳлил этилган ва кўпчилик олимлар қўшиб олишга нисбатан деярли бир хилдаги фикрни билдиришади. С.Н.Братуснинг фикрича, қўшиб олиш қўшиб юборишнинг алоҳида ҳолати бўлиб, бунда битта юридик шахсга иккинчи қўшилади. Бунда иккинчи юридик шахс бекор бўлса, биринчиси ўзининг мавжудлигини сақлаб қолган ҳолда фақатгина ўз фаолияти доирасини кенгайтиради ёхуд ўз фаолиятининг турини ўзгартиради. Бу ҳолат албатта ушбу юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати мазмунида белгилаган тартибда ифодаланди⁷³.

⁷²

⁷³ Братусь С.Н. Субъекты гражданского права.-М.: Юридлит, 1950.-221-222 с.

В.В.Лаптевнинг фикрига кўра, қўшиб олиш – мавжуд корхонанинг таркибига бошқа (ёки бошқалар)ни бириктириш бўлиб, бунда бириктирилаётган корхонанинг мавжудлиги барҳам топади⁷⁴.

И.Б.Зокировнинг таъкидлашича юридик шахснинг қўшилишида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уни қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади ва қўшилган юридик шахс ўзининг мустақил равишда иш олиб боришини бекор қилади⁷⁵.

А.Шукруллаевнинг фикрича, бир ёки бир неча юридик шахсларни барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан бошқаси томонидан қўшиб олиниши қайта ташкил этиш шакли ҳисобланади⁷⁶.

С.С.Гуломовнинг эътироф этишича қўшиб олишда бир юридик шахс ўзининг мавжудлигини сақлаб қолган ҳолда, ўз фаолиятини бекор қилган бошқа юридик шахсни қўшиб олади ва бундай ҳолат тегишли органларда расмийлаштиришни талаб қилади⁷⁷.

Фикримизча, юқорида баён этилган таърифларнинг барчаси битта умумий ҳолатдан, бир ёки бир неча юридик шахсларни ўз фаолиятларини тугатиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларини битта юридик шахсга ўтказиш йўли билан бирлашишлари ҳолатдан келиб чиқиб қўшиб олиш усулига таъриф беришади. Фуқаролик қонунчилигида «қўшиб олиш» усулини «бирлаштириш» атамаси билан номлаш ҳолатлари учрайди. Гарчи ФКнинг 49-50-моддаларида қайта ташкил этишнинг бу усули аниқ ва қатъий равишда «қўшиб олиш» - деб номланса, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддасида ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги 2001 йил 6 декабр қонуннинг 51-моддасида қайта ташкил этишнинг бу усули «бирлаштириш» - деб номланади.

⁷⁴ Хозяйственное право./Под.ред.В.В.Лаптева.-М.:Юридлит, 1983.-53 с.

⁷⁵ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 1996. - 58 б.

⁷⁶ Шукруллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. //Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. - №6. -Б.48.

⁷⁷ Гулямов С.С. Некоторые проблемы процессов реорганизации акционерных обществ в Узбекистане. //Обзор законодательства Узбекистана. – Тошкент, 2004. -№4.-С.13.

Эътиборли жихати шундаки, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддасида ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 51-моддасида «бирлаштириш» - усулига икки хил таъриф берилади. Агар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддасида бирлаштиришга «бир ёки бир нечта жамият фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказиш – жамиятни бирлаштириш деб ҳисобланади», -деб таъриф берилса, «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 51-моддасида бирлаштиришга «бир ёки бир неча жамиятни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказган ҳолда тугатиш жамиятни бирлаштириш деб эътироф этилади», - деб таъриф берилади. Кўриниб турибдики бу иккала таърифнинг асосий фарқи шундаки, биринчи ҳолатда «жамият фаолияти тўхтатилиши» назарда тутилса, иккинчи ҳолатда «жамиятни тугатиш» назарда тутилади.

Фикримизча, бу ўринда қайта ташкил этишнинг бу усули (юқоридаги икки қонунда номланганидек «бирлаштириш» эмас, ФКнинг 49-моддаси талаблари асосида «қўшиб олиш») га «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонунда тўғри таъриф берилган. Шу муносабат билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддаси ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 51-моддаси номланишини ўзгартириш ва «жамият қўшиб олиш» - деб номлаш ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддаси мазмунини ФКнинг 49-моддаси талабларига мос равишда «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 51-моддасидаги каби таҳрирда ифодалаш лозим.

Қўшиб олиш акциядорлик жамиятларида (АЖ), маъсулияти чекланган жамиятларда (МЧЖ) ва қўшимча маъсулиятли жамиятларда (қМЖ) ларда ўхшаш ҳолда кечади ва ўзига хос умумийлик касб этади. Бироқ бу ўринда АЖлар қўшиб олинганда қимматли қоғоз ҳисобланган акцияларни бирлаштириш масаласини ҳал қилиб олишлари лозим бўлади. АЖларда бирлаштирилаётган жамият ва бирлаштириб олаётган жамият бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз жамиятининг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган жамият кузатув кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади.

Мазкур жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

МЧЖ ва ҚМЖларда эса, бирлаштириш шаклида қайта ташкил этишда иштирок этувчи ҳар бир жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши бундай қайта ташкил этиш тўғрисида, бирлаштириш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади, бирлаштирилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши эса, топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилади.

Бирлаштиришда иштирок этувчи жамиятлар иштирокчиларининг қўшма умумий йиғилиши бирлаштирилаётган жамиятнинг таъсис ҳужжатларига жамиятнинг иштирокчилари таркиби ўзгариши, уларнинг улушлари миқдорларини белгилаш билан боғлиқ ўзгартишларни, бирлаштириш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бошқа ўзгартишларни киритади,

шунингдек зарурат бўлганда бошқа масалаларни, шу жумладан бирлаштирилаётган жамиятнинг органларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади. Бундай умумий йиғилишни ўтказиш муддатлари ва тартиби бирлаштириш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

ФКда белгиланган қайта ташкил этишнинг кейинги шакли «бўлиш» ҳисобланади. Бўлинганди юридик шахс тугатилиб, унинг ўрнига икки ёки ундан ортиқ юридик шахс ташкил топади⁷⁸. Ҳуқуқий адабиётларда юридик шахсларнинг бўлиниш тушунчасига деярли ҳамма муаллифлар яқдиллик билан ёндашадилар⁷⁹. Фақатгина юридик шахсларни бўлиш айнан кимнинг қарори билан амалга оширилиш масаласида турли фикрлар учрайди. Е.А.Суханов бўлиш монополистик фаолиятни чеклаш мақсадида тегишли давлат органи томонидан амалга оширилишини таъкидласа⁸⁰, Ж.Юлдашев, агар юридик шахс бирлашмаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органидан розилик бериш учун илтимоснома беришлари, бундан ташқари бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар биридан асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозорида улуши ва бирлашмага киришига розилиги тўғрисида маълумотлар тақдим этиши лозимлигини билдиради⁸¹.

Фикримизча, юридик шахсларни бўлиш ҳам қайта ташкил этишнинг бошқа усуллари каби муассислар ёки таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган юридик шахснинг органларининг қарорига мувофиқ ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда давлат органлари ва суд томонидан бўлиниши мумкин.

⁷⁸ Комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации./Отв. ред. О.Н.Садиков.-М.: Юринформцентр, 1997. -93 с.

⁷⁹ Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. -М.: Юридлит, 1950. -221-222 с.; Хозяйственное право./Под.ред.В.В.Лаптева.-М.:Юридлит, 1983.-53 с.; Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат. 1996. -58 б.; Шукруллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. //Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. -№6. -Б.48.; Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-142 б.

⁸⁰ Гражданское права. В 2-х т../ Отв.ред. Е.А.Суханов. Т.1.-М.:БЕК, 1998.-200 с.

⁸¹ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004. -142 б.

Одатда нима учун «бўлиш» амалга оширилаётганлигининг сабаблари талаб қилинмайди. Бироқ бўлиш юридик шахс фаолиятни кенгайтириш ва йирик солиқлардан қочиш мақсадида, ҳамда иштирокчилар ва муассисларнинг юридик шахс мол-мулкини ўзаро тақсимлаб олишлари натижасида амалага оширилади. Бу ўринда Ж.Юлдашевнинг фикрлари анча ўринлидир. Унинг фикрига кўра, ушбу қайта ташкил этиш шакли бизнеснинг қийин молиявий хўжалик ҳолатида қайта йўналтириш, катта солиқ тўловларидан ва катта таваккалчилик қилишдан қочиш ҳамда ўз бизнес фаолиятини турлича ҳудудларда олиб бориш мақсадида вужудга келади⁸².

Д.Степановнинг фикрича, бўлиш шаклида юридик шахс қайта ташкил этилганда юридик шахс икки ёки ундан ортиқ субъектга ажратилади ва бунда ўзининг мавжудлигига барҳам бералиди⁸³.

Қайта ташкил этишнинг бўлиш шакли ҳақидаги қоидалар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонунларда кенгроқ ёритилган. Юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида қайта ташкил этиш шакллариининг умумий тарзда «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши» назарда тутилган.

АЖ фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган жамиятларга ўтказиш – жамиятни бўлиш деб ҳисобланади.

Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилиши ҳукмига бўлиш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари хусусидаги, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятлар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қогозларига айирбошлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳавола этади.

⁸² Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-142 б.

⁸³ Степанов Д. Формы реорганизации коммерческих организаций: вопросы законодательной реформы// Хозяйство и право.-Москва.2001.-№4.-С.43.

Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни бўлиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисида, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятларнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қогозларига айирбошлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади. Янги тузилаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш ҳамда кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган икки ёки бир неча жамиятга ўтади «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 98-моддаси.)

МЧЖ ва ҚМЖни унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янгитдан ташкил этилган жамиятларга ўтказган ҳолда тугатиш жамиятни бўлиш деб эътироф этилади.

Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши бундай қайта ташкил этиш тўғрисида, жамиятни бўлиш тартиби ва шартлари тўғрисида, янги жамиятларни ташкил этиш ва бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бўлиш натижасида тузилаётган ҳар бир жамиятнинг иштирокчилари таъсис шартномасини имзолайдилар. Бўлиш натижасида ташкил этилаётган ҳар бир жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамиятнинг уставини тасдиқлайди ва унинг органларини сайлайди.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ бўлиш натижасида ташкил этилган жамиятларга ўтади.

Агар бўлиш баланси қайта ташкил этилган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имкониятини бермаса, қайта ташкил этиш натижасида ташкил этилган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар («Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 52-моддаси.)

Ажратиб чиқариш юридик шахсни қайта ташкил этишнинг навбатдаги усули бўлиб, унга кўра, юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча янги юридик шахс ажралиб чиққани ҳолда биринчи юридик шахс ўз мавжудлигини сақлаб қолади ва фаолиятини давом эттиради. С.Н.Братуснинг таъкидлашича, ажратиб чиқариш – бу бўлишнинг алоҳида шаклидир. Ажратиб чиқариш – юридик шахсни бекор бўлиш усули эмас, аксинча уни ташкил этиш усулларида биридир. Бироқ ажратиб чиқариш қайта ташкил этишнинг битта шакли ҳисобланади. Бу ҳолатда битта юридик шахсдан бошқаси ажралиб чиқади, лекин бунда биринчи юридик шахснинг ташкилий бирлиги барҳам топмайди, у илгари қандай бўлса шундайлигича қолади, фақатгина унга тегишли ҳуқуқ лаёқатининг доираси қисқаради ёки ўзгаради⁸⁴.

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда ажаратишда асосий эътибор юридик шахс таркибидаги алоҳида бўлинма ёки фаолияти тури билан мустақил иш юритиши мумкин бўлган филиал ёки ваколатхона ажратиб чиқарилади. Масалан, 1991 йил Тошкент Давлат Университети юридик факультети Университетидан ажратилиб, алоҳида юридик шахс сифатида Тошкент Давлат юридик институти деб номланган.

Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир нечта жамият тузиш жамиятни ажратиб чиқариш деб ҳисобланади.

Кўпчилик қонун ҳужжатларида ажратиб чиқариш қайта ташкил этишнинг бошқа шакллари каби умумий асосларда баён этилса⁸⁵, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонунларда ажратиб чиқаришнинг тартиби, бу

⁸⁴ Братусь С.Н. Субъекты гражданского права.-М.: Юридлит, 1950.-221-222 с.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» ги Қонуннинг 30-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарорига 3-илова Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг Намунавий Устави.

ҳақда қарор қабул қилиш, тақсимлаш баланси ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳолатлари тўлиқ ифодаланган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 99-моддасига мувофиқ, ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ажратиб чиқариш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, ажралиб чиқаётган жамиятнинг акция ва (ёки) бошқа қимматли қогозларини айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади. Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қогозларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади.

МЧЖ ва ҚМЖ таркибидан бир ёки бир неча жамият ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади. қайта ташкил этилаётган жамиятни тугатмасдан, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир неча жамиятни ташкил этиш жамиятни ажратиб чиқариш деб эътироф этилади. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши бундай қайта ташкил этиш тўғрисида, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари тўғрисида, янги жамиятни (янги жамиятларни) ташкил этиш тўғрисида ва бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади, ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг таъсис ҳужжатларига жамият иштирокчилари таркибининг ўзгариши, уларнинг улушлари миқдорлари аниқланиши билан

боғлиқ бўлган ўзгартишларни ва ажратиб чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган бошқа ўзгартишларни киритади, шунингдек зарурат бўлган тақдирда ўзга масалаларни, шу жумладан жамиятнинг органларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади. Ажратиб чиқарилаётган жамиятнинг иштирокчилари таъсис шартномасини имзолайдилар. Ажратиб чиқарилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлайди ва жамиятнинг органларини сайлайди. Агар ажратиб чиқарилаётган жамиятнинг ягона иштирокчиси қайта ташкил этилаётган жамият бўлса, унинг умумий йиғилиши жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек ажратиб чиқарилаётган жамиятнинг уставини ва бўлиш балансини тасдиқлайди, ажратиб чиқарилаётган жамиятнинг органларини сайлайди. Жамиятдан бир ёки бир неча жамият ажратиб чиқарилганда қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади («Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 52-моддаси).

Юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг яна бир шакли – бу ўзгартириш (русча – преобразование) ҳисобланади. Бошқача айтганда «ўзгартириш» атамаси юридик шахснинг бир ташкилий-ҳуқуқий шаклидан бошқасига ўтиши тушунилади. Одатда ўзгартириш амалга оширилганда ўзгартирилаётган юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан янги ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтиш орқали қайтадан ташкил топади ва вужудга келган янги юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтади, ҳамда ўзининг олдинги ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги ҳуқуқ ва мажбуриятини олади. Юридик шахсни қайта ташкил этишнинг бу усули ҳам қонун ҳужжатларидан турлича номланади. Агар ФКда қайта ташкил этишнинг бу усули «ўзгартириш» - деб номланса, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонунларда

«қайта тузиш» - деб номланади. Фикримизча бу ўринда қонун ҳужжатларидаги атамаларнинг бир хилда ишлатилишини ва ФКнинг «устунлик» мавқени назарда тутиб «ўзгартириш» атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, қайта ташкил этишнинг бу шаклини номланиши ФКда ҳам ғализроқ чиққанлигини таъкидлаш лозим. Бунда гарчи, қонунчилик техникаси ва атамаларни номлаш қоидаларидан четга чиқиш бўлсада, қайта ташкил этишнинг бу тури мазмунини очиқ берадиган номни қабул қилиш зарур. Назаримизда ФКнинг 49-моддасидаги «ўзгартириш» атамаси «ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг ўзгартирилиши» - деб номланиши керак.

Юридик шахсларни ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш бозор иқтисодиёти шароитида субъектларга берилган эркинлик ва ташаббускорлик натижаси ҳисобланади. Зеро, юридик шахснинг муассислари ёки мулкдори бозордаги талаб ва таклиф, рақобатдан келиб чиқиб, фақатгина ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириб янги юридик шахсни вужудга келтириши ва ўзи учун қулай бўлган ҳўжалик фаолиятини амалга ошириши ёхуд ўз мулкани бошқариш ва кўпайтиришнинг яхшироқ йўлини танлаши мумкин.

Фуқаролик қонунчилиги муайян турдаги юридик шахсни ўзгартириш орқали қайта ташкил этишга нисбатан алоҳида қоидаларни мустаҳкамлайди. Бунда бир турдаги юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш орқали айнан юридик шахсларнинг қайси турига айланиши мумкинлиги белгилаб қўйилади. Масалан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 100-моддасида АЖлар фақатгина ҳўжалик жамият ва ширкатининг бошқа турига айланиши мумкинлиги кўрсатилган бўлса, «Маъсулияти чекланган ҳамда кўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 54-моддасида МЧЖ ва ҚМЖларга АЖларга қараганда кенгроқ имтиёз берилиб, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилотига айланиши мумкинлиги назарда тутилади.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш орқали юридик шахсларни бекор қилишда АЖларнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтиши масаласининг ҳал этилишида Россия Федерация ва Қозоғистон Республикаси қонунчилиги мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигидан фарқ қилади. Россия Федерациясининг Гражданлик кодексида АЖ маъсулиятли чекланган жамият ва ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилиши мумкин деб белгиласа⁸⁶, қозоғистон Республикасининг Гражданлик кодекси АЖлар хўжалик ширкатлари ва ишлаб чиқариш кооперативларига айлантирилиши мумкинлиги қондасини ўрнатади⁸⁷.

Фикримизча бу ўринда АЖнинг қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтиши мумкинлиги масаласида РФ ва Қозоғистон Республикалари қонунчилиги ва мамлакатимиз қонунчилиги ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас ва бунда АЖ ўтиши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг у ёки бу шакли танланиши ҳам катта аҳамият касб этмайди. Зеро, АЖнинг хўжалик ширкати ва жамиятининг бошқа турига ўтиши ҳам, ёки ишлаб чиқариш кооперативига ўтиши ҳам ҳуқуқий ворисликда муаммоларни вужудга келтирмайди. Бироқ бунда асосий эътибор ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш ҳисобланар экан, Қозоғистон Республикасининг Гражданлик кодекси қатъий позицияни танлайди ва хўжалик жамиятнинг бир тури ҳисобланган АЖга хўжалик жамиятининг бошқа турига айланишга рухсат бермайди ва тижоратчи юридик шахсларнинг қолган икки тури хўжалик ширкати ва ишлаб чиқариш кооперативига ўтиши мумкинлигини танлайди. Бироқ бундай тартиб назарий жиҳатдан энг мақбул ҳисоблансада (бир туркумдаги юридик шахснинг бошқа туркумдаги юридик шахсга айланиши «ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг соф («ҳақиқий») ўзгариши» ҳисобланиши нуқтаи-назаридан) амалий жиҳатдан бу турли ноқулайликларни вужудга келтиради. РФ Гражданлик кодексида мустаҳкамланган қоидаги мувофиқ АЖнинг МЧЖга ва ишлаб чиқариш кооперативига айланиши мумкинлигининг аҳамиятли томони шундаки, АЖ

⁸⁶ Гражданский кодекс Российской Федерации. –М.:Юрист, 1996. 104 - модда.

⁸⁷ Гражданский кодекс Республики Казахстан.-Алматы: «Жеты Жарғы», 2000. 93-модда.

Ўзининг табиатига кўра, юридик шахсларнинг бошқа турларига қараганда МЧЖларга ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан яқин туради. Шу муносабат билан бундай ўзгартириш амалий қийинчиликларни камайтиради. Бу хусусда фикр билдирар экан, И.В.Елисеев бунда қонун чиқарувчи юридик шахс ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш фақатгина ҳуқуқ лаёқатининг (умумий ёки махсус) мавжуд миқдорини сақлаб қолганда мумкин бўлади, - деган умумий тамойилдан келиб чиққан, - деб ҳисоблаш мумкин⁸⁸, - дейди.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда ўзгартириш орқали қайта ташкил этилганда янги ташкил этилган юридик шахс ўзгаргандан олдинги ҳолатдаги юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати билан бир ҳилда бўлиши лозим. Яъни, ўзгармасдан олдинги ҳолатда юридик шахс универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса, ташкилий-ҳуқуқий шакл ўзгаргандан сўнг ҳам ҳуқуқ лаёқати универсиаллигини сақлаб қолишини назарда тутиб, қонун чиқарувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартиришда муайян чегараларни қўяди.

Бу ўринда АЖнинг бир туридан иккинчи турига ўтганда ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш рўй бериши масаласи алоҳида ўринга эга. А.Шукруллаев ва Ж.Юлдашевларнинг фикрича бу ҳолатда қайта ташкил этиш асосида юридик шахснинг бекор бўлиши юзага келмайди ва бунда ҳуқуқий ворислик, топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси нормаларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ўзгаришлар таъсис ҳужжатларига таъсис ҳужжатларига мувофиқ келувчи ўзгартиришлар киритиш йўли билан расмийлаштирилади⁸⁹.

Мазкур фикрларни давом эттириб таъкидлаш жоизки, АЖни бир типидан иккинчи типига ўзгариши уставнинг ўзгариши ва шунга мувофиқ, давлат рўйхатига ҳам ўзгартириш киритиш ҳисобланади ва юридик шахс ўзининг мавжуд бўлиши ҳолатини формуляр тарзида «ўзгартиради». Шу билан бирга очик типдан ёпиқ типга ўтилганда матбуотда эълон қилиш ва бу

⁸⁸ Гражданское право. В 3-х т./ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.Т.1.-М.:Прспект, 2003. -162 с.

⁸⁹ Тадбиркорлик ҳуқуқи./Масъул муҳаррир.Ф.Ҳ.Отахонов.-Тошкент: ТДЮ, .2003.-125 б.; Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-143-144 б.

ҳақда кредиторларга хабар жўнатилиши ҳам акциядорлар сонининг ўзгариши ҳам бир типдан иккинчисига ўтилганда амалга ошириладиган «мослашиш» ҳаракатлари ҳисобланади.

Қайта тузиш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши бундай қайта ташкил этиш тўғрисида, қайта тузиш тартиби ва шартлари тўғрисида, жамият иштирокчиларининг улушларини қайта тузиш натижасида ташкил этилаётган юридик шахснинг акцияларига (улушлари, пайларига) айирбошлаш тартиби тўғрисида ва ана шу юридик шахснинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида, шунингдек топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. қайта тузиш натижасида ташкил этилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ана шундай юридик шахслар тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ унинг органларини сайлаш тўғрисида қарор қабул қиладилар ва тегишли органга қайта тузиш натижасида ташкил этилаётган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишни топширадилар.

Таъкидлаш лозимки, қайта ташкил этиш орқали юридик шахсни бекор қилишда ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий ворислик масаласи ҳал қилинади. қайта ташкил этишнинг қайси шакли қўлланилишидан қатъий назар янги юридик шахс вужудга келади ёки юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолати ўзгаради. Шу билан бирга қайта ташкил этиш юридик шахсларни тугатишдан фарқ қилиб, ҳамма вақт муассис ёки мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкдан самарали фойдаланиш ва ўзининг тижорат фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган усул ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахсларга ўз фаолиятларини қайта ташкил этиш усули орқали такомиллаштиришга рухсат берилиши бу фуқаролик ҳуқуқининг энг асосий тамойиллари диспозитивлик, эркинлик ва ташаббускорликка асосланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, юридик шахсларни қайта этишга оид фуқаролик қонунчилигида фақатгина умумий қоидалар белгиланган ҳолос. Шу билан бирга юридик шахсларнинг алоҳида турларига оид бўлган

конунларда ҳам юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг умумий принциплари ифодаланган холос. Бу эса ўта мураккаб жараён бўлган қайта ташкил этишни амалга оширишда, бу жараёни тўлиқ ишлашида кўплаб қийинчиликлар ва турли хилдаги ёндашувларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, қайта ташкил этиш жараёни учун энг асосий ҳужжатлар ҳисобланган тақсимлаш баланси ва топшириш далолатномаси каби ҳужжатлар мазмуни, уларда ифодаланиши лозим бўлган ҳолатлар, уларни тузиш ва топшириш муддатлари ФК (51-модда) да жуда умумий тарзда ифодаланган.

Шу муносабат билан қайта ташкил этиш жараёни учун хос бўлган барча ҳолатларни ҳуқуқий жишадан тўлиқ тартибга солувчи қонун ҳужжатларини белгилаш ва «қайта ташкил этиш тўғрисида» ги Низомни қабул қилиш лозим.

2.2. Тижоратчи юридик шахслар қайта ташкил этилишнинг ҳуқуқий оқибатлари.

Юридик шахсларнинг бекор бўлиши у қайси тартиб ва усулда, қайси асосларга кўра амалга оширилишидан қатъий назар ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Юридик шахслар бекор бўлганидан вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларни уларнинг хусусиятлари, мазмуни ва субъектга нисбатан таъсирига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Бекор бўлиш ҳамма вақт юридик шахсни субъект сифатида барҳам бўлишига олиб келади;
2. Бир субъектга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар иккинчи субъектга ўтади;
3. Субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг субъектлилиги каби бутунлай барҳам топади;
4. Бекор бўлиш кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади;
5. Юридик шахслар бекор бўлганда ё янги ҳуқуқ субъекти вужудга келади ёки ҳуқуқ субъекти барҳам топади;

6. Бекор бўлиш ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақомини ўзгаришига олиб келади;

7. Бекор бўлиш жараёни учинчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахснинг вужудга келиши муҳим юридик факт бўлганлиги туфайли, фуқаролик ҳуқуқида юридик шахс фаолиятнинг бекор бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга⁹⁰.

Таъкидлаш лозимки, «бекор бўлиш» атамаси фақат юридик шахсларга (фуқаронинг якка тартибдаги фаолиятига нисбатан банкротлик қўлланилади) қўлланилади ва уни ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топишига олиб келади. «Бекор бўлиш» ўзига хос ҳуқуқ субъекти ҳисобланган, ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта оладиган ва ҳар доим мавжудлиги давомида ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган субъектни юқоридаги ҳолатлардан маҳрум этиши натижасида юридик шахс ўзининг фаолиятига якун ясайди. «Ташкил топиш» атамасини фуқароларга ва давлатга татбиқ этиб бўлмагани каби «бекор бўлиш» атамасини ҳам бу субъектларга қўллаб бўлмайди. Зеро, юридик шахс кимнинг эрки-иродаси асосида ташкил топар экан, у шу тартибда бекор бўлиши ҳам табиий ҳол албатта. Акс ҳолда ҳуқуқий муносабатларда мантиқ, ҳуқуқлар ҳимояси ва қонуний манфаатлар кафолати, субъектга тегишли ҳуқуқларни амалга оширишда қатъийлик мавжуд бўлмас эди. «Бекор бўлиш» атмасининг луғавий маъноси ҳам мазкур ибора амалга оширилганидан сўнг юридик шахс ҳуқуқий муносабатларда қатнашмаслигини, унинг номи ҳам тегишли рўйхатдан «ўчирилишини», юридик шахснинг муассислари ва органларининг шу субъект орқали фаолиятлари барҳам топишини англатади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топиши тегишли тартибда амалга оширилади ва субъект «юридик шахс» бўлганлиги учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни талаб қилади. Барҳам топиш

⁹⁰ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. - №5. - Б.43.

тегишли номдаги юридик шахс муайян вақт мобайнида фаолият юритганлигини ва унинг ҳуқуқий муносабалардаги иштироки ва мавжудлиги «ўтмишга» айланганлигини англатади.

Юридик шахслар бекор бўлганда бир субъектга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар иккинчи субъектга ўтиши фақат қайта ташкил этиш орқали амалга оширилганда рўй беради. қайта ташкил этишнинг барча шаклида универсал ҳуқуқий ворислик асосида ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади. Зеро, ворислик – бу ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши билан боғлиқ⁹¹. Универсал ворислик ибораси мол-мулкнинг, ашёларнинг, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга эркин равишда ўтиши мумкинлигидан келиб чиқади ва фуқаро вафот этганда, юридик шахс тугатилганда уларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ворисга тўсқинликсиз ўтиши мумкинлигини англатади. Зеро, қайта ташкил этиш ҳамма вақт мулкӣ ворисликка таянади ва унда энг муҳим масала ворисга ўтадигина ҳуқуқ ва мажбуриятлар миқдори ҳисобланади⁹².

А.Шукруллаев фикрича «қайта ташкил этишнинг тушунчаси замирида мол-мулк (унинг маълум қисми) ни бир шахсдан бошқасига ўтиши тушунилади⁹³». Мазкур фикрга қўшимча қилиб, қайта ташкил этиш замирида нафақат мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтиши балки мол-мулк билан қарз мажбуриятларининг ўтиши ҳам ётади.

С.Б.Холбоевнинг фикрича бирлашиш ва қўшилишда топшириш баланси, бўлиниш ва ажралишда бўлиниши ҳужжати асосида мол-мулк унивесиал ворислик асосида ўтади⁹⁴.

⁹¹ Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи.-Тошкент: 1998. -22 б.

⁹² Кудрявцев Е.И. Проблемы правопреемства при реорганизации юридического лица и необходимость принятия закона «О реорганизации юридических лиц» //Обзор законодательства Узбекистана.-Тошкент, 2004.-№4.-С.16.

⁹³ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. - №5. - Б.43.

⁹⁴ Холбоев С.Б. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ-ҳуқуқӣ лаёқати: Юрид.фан. номз....дисс. Автореф.-Тошкент:1994.-19 б.

О.Тошевнинг таъкидлашича эса ҳуқуқий ворислик бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўла (универсал) ёки қисман (сингуляр) асосда қайта ташкил этилаётган субъектга ўтади⁹⁵.

В.Ф.Яковлевнинг эътироф этишича қайта ташкил этилганда юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидаги тартибда ўтиши мумкин:

- 1) Тўлиқ миқдода фақат битта ворисга (қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва қайта ташкил этишда)
- 2) Тўлиқ миқдорда, лекин бир неча ворисга тегишли қисмларга бўлинган ҳолда (бўлинганда)
- 3) Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг муайян қисмлари бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча ворисга ўтади (ажратилганда)⁹⁶.

Агар қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартиришда ҳуқуқ ва мажбурият тўлиқ қайта ташкил этилган субъектга ўтса, ажратиш ва бўлишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келаётган икки ёки ундан ортиқ янги субъект ўртасида тақсимлаш балансига мувофиқ тақсимланади, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлар сингуляр тарзда бошқа субъектга ўтади.

Юридик шахслар бекор бўлиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган яна бир оқибат бу юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларининг барҳам топиши ҳисобланади. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг барҳам топиши бекор бўлишнинг тугатиш шаклига хос ҳисобланади. Юридик шахслар тугатилганда мол-мулк ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлиши мутлақ (абсалют) мазмунга эга бўлади⁹⁷.

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда тугатиш юридик шахснинг ҳуқуқларига батамом барҳам беради. Бундай мутлоқлик юридик шахс ҳуқуқларини қатъий тугатишни тақозо этади. Тугатилган юридик шахснинг

⁹⁵ Тошев О. Акциядорлик жамиятлари бекор бўлишида мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати. / «Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2005. -Б.107.

⁹⁶ Коммерческое право: Учебник /Под.ред. В.Попандопуло и В.Ф.Яковлевой.-Санкт-Петербург: 1997.-339 с.

⁹⁷ Тошев О. Акциядорлик жамиятлари бекор бўлишида мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати. / «Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2005. -Б.107.

хуқуқлари: мол-мулки, мулкӣ ҳуқуқлари кредиторлар ўртасида тақсимланади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тугатилиши бекор бўлаётган юридик шахс мол-мулкани бошқариш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тугатиш тўғрисидаги суд қарори қабул қилингунга қадар юритиш учун тугатиш комиссиясига топширилади. Тугатиш комиссияси юридик шахс мол-мулкларнинг рўйхатини тўзиб чиқади. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тугаши юридик факт сифатида фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлардаги субъектнинг иштирокини барҳам топишига олиб келади ва юридик шахс фаолиятига чек қўяди.

Юридик шахснинг бекор бўлиши қайси усулда амалга оширилишидан қатъий назар кредиторларнинг ҳуқуқлари ҳисобга олиниши лозим. Зеро, қайта тузиш юридик шахс кредиторларининг манфаатларига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки уларнинг қарздорлари мавжудлигига барҳам берилади⁹⁸.

ФК юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатларини белгилайди. ФКнинг 52-моддасига мувофиқ, юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Бу қоидалар қайта ташкил қилинаётган юридик шахс кредиторларининг манфаатларини ҳуқуқӣ кафолатлайди⁹⁹. Зеро, кредиторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолати қарздорининг ҳуқуқ субъекти ҳисобланган пайтда қандай ҳолатда бўлса, бекор қилинаётганда ҳам шундай ҳолатда бўлиши лозим.

С.С.Ҳамроевнинг таъкидлашича ҳар қандай субъектив фуқаролик ҳуқуқи ҳимоя қилиниши даркор, бундай ҳуқуқ соҳиби эса уни қонунчиликда

⁹⁸ Гражданское право. В 3-х т./ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект. 2003. Т.1. С.163.

⁹⁹ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. - №5. - Б.47.

кўзда тутилган воситалар ёрдамида ҳимоя қилиш учун тегишли қонуний ваколатга эга бўлади¹⁰⁰.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича кредиторлар қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорнинг бажарилишига қаршилик кўрсата олмайди, лекин шу туфайли уларга рўпара қилинган янги қарздорлар билан алоқани сақлаб қолишга мажбур эмас, улардан тегишли мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини тўхтатиш ва бунинг натижасида етказилган зарарни қолашни талаб қилиш ҳуқуқига эга¹⁰¹.

Зеро, ФКнинг 52-моддаси 2-қисмида, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредитори шу юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлилиги қондаси мустаҳкамланган.

Фикримизча бу қоида кредиторнинг шартнома тарафларини эркин танлаш ҳуқуқининг қонуний ифодаси ҳисобланади. Агар кредитор янги қарздорлар билан ўзининг ҳуқуқий алоқаларини давом эттиришни истамаса, қайта ташкил этилган юридик шахс билан тузилган шартнома бекор қилинади ва бунда кредиторга етказилган зарарлар қопланади¹⁰². Шу билан бирга кредитор талабларини қондириш ва қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятларини ўз вақтида бажариш учун ҳуқуқий вориснинг шу фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлмаслиги мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» ги қонуннинг 20-моддасида юридик шахс бўлмиш лицензиат қайта тузилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ҳафталик муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган

¹⁰⁰ Ҳамроев С. Томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. - №4. - Б.32.

¹⁰¹ Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкент: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -177 б.

¹⁰² Беляева О. Реорганизация и ликвидация унитарных предприятий: вопросы судебно-арбитражной практики// Хозяйство и право.-Москва.2004.-№10.-С.121.

холда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шартлиги белгиланган.

ФКнинг 52-моддаси 2-қисмида белгиланган қоидани изоҳлар экан А.Шукруллаев, ФКда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятини муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарни қоплаш тўғрисидаги кредиторнинг талаби ким томонидан қондирилиши ва қайси пайтгача уни кўриб чиқиш мумкинлигини бир томонлама аниқлаштирмаган, - дейди ва ўз фикрларини қуйидагича асослайди:

- яъни, юридик шахснинг тугатилиш жараёнида кредиторлар билан бўладиган муносабатларни, уларнинг талаб қилиш муддатини, шунингдек муддат ўтишининг бошланиши ҳақида аниқ белгиланган бўлса, ўзининг баъзи юридик табиатига кўра шунга ўхшаб кетадиган юридик шахсни қайта ташкил этиш вақтида юзага келадиган шундай масалаларга эътибор берилмаган¹⁰³.

Мазкур ҳолатда А.Шукруллаевнинг фикрларини баҳсли эканлигини таъкидлаб, ФКнинг 52-моддаси 2-қисмида белгиланган қоида ўз-ўзидан эмас балки, ФКнинг 50-51-моддаларининг давоми сифатида белгиланган ва бундай тартиб қонунчилик техникасининг натижаси ҳисобланади. Чунки, ФКнинг 50-моддаси қайта ташкил этилганда ким ҳуқуқий ворис бўлишини белгиласа, 51-моддадаги тақсимлаш баланси ва топшириш ҳужжати қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари кимнинг зиммасида бўлиш ва мажбуриятлар қандай тартибда бажарилишини ифодалайди. қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятни муддатидан олдин бажарилиши эса, тарафларнинг ўзаро келишуви билан аниқланади. Агар бундай келишувга эришилмаса, фуқаролик ҳуқуқидаги умумий қоидага мувофиқ суд тартибида келишув амалга оширилади.

Шу билан бирга бу ерда кредитор қайта ташкил этиш ҳақида огоҳлантирилганидан сўнг қайта ташкил этиш амалга оширилганига қадар ўз

¹⁰³ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. - №5. - Б.48.

талабларини кўяди ва уларни қайта ташкил этиш амалга ошгунга қадар бажарилишини талаб этиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари ФКнинг 50-моддаси қайта ташкил этилгандаги ҳуқуқий ворисликни аниқ ифодалаб, қайта ташкил этишнинг ҳар бир ҳолати ким ҳуқуқий ворис бўлишини ва кредиторларнинг талаблари юзасидан жавобгарлигини белгилайди. Унга кўра,

- юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади;

- юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади;

- юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади;

- юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади;

- бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Шу муносабат билан А.Шукруллаев таклиф этганидек ФКнинг 52-моддаси 2-бандига қўшимча киритиш фикримизча мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, А.Шукруллаевнинг таклифлари¹⁰⁴ фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидалари асосида ҳал этиладиган ҳолат сифатида баҳолаш ва ФКнинг 52-моддасидаги қўшимчани қонунчилик техникасининг бузилишига олиб келади деб ҳисоблаш мумкин.

¹⁰⁴ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари. //Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. - №5. - Б.48.

Шу билан бирга юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторларнинг талабларининг кафолатланиши фукаролик қонунчилигида ифодаланган субъектив ҳуқуқларнинг муҳофазаланишига доир умумий қоидалар орқали ҳам амалга оширилишини айтиб ўтиш лозим.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар (ФКнинг 52-моддаси 3-қисми).

Маълумки, тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади. Бироқ юридик шахслар ажратилганда ва бўлинганида вужудга келган янги юридик шахсларнинг барчаси ҳам қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси сифатида эътироф этилиши, ёки тақсимлаш баланси ҳуқуқий ворис айнан қайси юридик шахс эканлигини белгиламаслиги мумкин. Мазкур ҳолатда кредиторларнинг талаблари юзасидан вужудга келган юридик шахслар биргаликда жавобгар бўладилар.

А.Шукруллаев юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторларнинг ҳуқуқларини таҳлил қилар экан, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ҳақида кредиторларга хабар бериш улар ҳуқуқларини кафолатлашини таъкидлаб, лекин шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, бир юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг зиммасидаги мажбуриятлари учун масъул бўлган шахс топилмаслиги мумкин¹⁰⁵.

Фикримизча, А.Шукруллаевнинг мазкур фикрлари баҳслидир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси аниқ бўлиши лозим ва ФК ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида бу ҳолат

¹⁰⁵ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. - №5. - Б.48.

аниқ ифодаланган. Фақат ҳуқуқий ворислар бир нечта бўлганда, солидар жавобгарлик вужудга келганда кредитор ўз ҳуқуқларини барча ворислар (янги қарздорлар) дан талаб қилишга ҳақли.

А.Шукруллаев қайта ташкил этилганда кредиторларнинг талаблари хусусидаги фикрларини давом эттириб, қуйидагиларни баён этади:

- шунингдек, қайта ташкил этиш натижасида белгиланган фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқига рухсат ололмаслиги муносабати билан қарздор томонидан мажбуриятни бажариш имконияти бўлмаслиги мумкин¹⁰⁶.

Назаримизда бу фикр «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» ги қонуннинг 20-моддаси 4-қисмида белгиланган нормага карама-қаршидир. Чунки, бу нормада, лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга ошириши кўрсатилган. қайта лицензиялаш деганда эса лицензиат қайта тузилган, лицензиат ва унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганда янги лицензия олиш тартиби кўрсатилган.

Бекор бўлишнинг кейинги усули тугатишда кредиторларнинг талабини қондириш тўғридан-тўғри амалга оширилади. Бунда тугатиш комиссияси юридик шахсни тугатиш тўғрисида матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаган муддат давомида кредиторларнинг талаблари қабул қилинади (ФКнинг 55-моддаси).

Кредиторларнинг талаблари бевосита белгиланган муддат давомида қабул қилинади ва тугатиш комиссияси ёки тугатувчи томонидан тузилган тугатиш баланси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаноатлантирилади.

ФКнинг 56-моддаси крдиторларнинг талабларини қондиришнинг уда қисқа ва мавҳум тартибини белгилайди ва ҳаволаки тавсифга эга. Фикримизча мазкур нормада мустаҳкамланган кредиторлар талабларини қаноатлантириш навбати ва тартиби қуйидаги камчиликларга эга:

¹⁰⁶ Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001 - .№5. - Б.48.

1. Мазкур нормада кредиторларнинг талаблари кетма-кет санаб ўтилган ва бу талаблар бирдан биринигина қаноатлантириш имкони бўлганда улардан қайси бири биринчи қаноатлантирилиши белгиланмаган.

2. Кўрсатиб ўтилган талабларнинг жойлашув кетма-кетлиги ҳам муайян бир тартибга солинмаган ва келажакда низони ҳал этишда қайси талаб аҳамиятлироқ эканлиги мавҳум.

3. Нормада белгиланган «биринчи навбатда» ибораси мантиқан қараганда «иккинчи», «учинчи» ва кейинги навбатларни ҳам белгиланиши лозимлигини англатар эди. Акс ҳолда бу нормадаги «биринчи навбатдаги» ибораси фақатгина фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талабларига таллуқлилигини англатади.

4. Юридик шахс тугатилаётганда кредиторлар талабларини қаноатлантириш навбатларини белгилаши лозим бўлган мазкур норма, ўта аниқлик талаб этадиган кредиторлар талабларини қондириш муносабатларини тартибга солишда ва кенгқамровли, ўта мураккаб тизимга эга бўлган фуқаролик қонунчилиги учун умумий қоидаларни белгилайдиган норма сифатида ҳаволаки характер касб этиши амалиётда турли келишмовчиликларни вужудга келтиради.

Агар мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбатларини тартибга солиниши билан Россия Федерацияси ва қозоғистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида бу муаммонинг тартибга солиниши қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 64-моддасида ва Қозоғистон Республикасининг Гражданлик кодексининг 51-моддасида кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг навбатлари аниқ ва муайян кетма-кетликда қаноатлантирилиши белгиланган бўлиб, кредиторлар талабини қаноатлантиришнинг беш навбати санаб ўтилган. Унга кўра, юридик шахс тугатилганда кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбатга мувофиқ қаноатлантирилади:

- биринчи навбатда ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

- иккинчи навбатда меҳнат шартномаси, шунингдек контракт асосида ишлаётган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва таътилга чиқиш ва муаллифлик шартномаси бўйича тўловлар учун ҳисоб-китоблар;

- учинчи навбатда тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки билан қопланган гаров мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилади;

- тўртинчи навбатда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар бўйича қарзлар қопланиши лозим;

- бешинчи навбатда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа кредиторларнинг талаблар қаноатлантирилади.

Ҳар бир навбатдаги талаблар олдинги талаб тўлиқ қаноатлантирилганидан сўнггина қопланиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгиланган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулк кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, мол-мулк тегишли навбатдаги (фақат битта навбатдаги кредиторлар) кредиторлар талаблари суммасига пропорционал равишда тақсимланади¹⁰⁷.

Фикримизча, ФКнинг 56-моддасида кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбатлари аниқ ва бир-биридан алоҳида ҳолда муйян кетма-кетликда баён этилиши лозим. Бунда Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси Гкларида белгиланган механизмни қабул қилиш ва уни такомиллаштириш катта амалий аҳамиятга эга.

¹⁰⁷ Гражданский кодекс Российской Федерации. –М.:Юрист, 1996. 64-модда.; Гражданский кодекс Республики Казахстан.-Алматы: «Жеты Жарғы», 2000. 51-модда.

Шу муносабат билан ФКнинг 56-моддасини қуйидаги тартибда баён этиш мақсадга мувофиқ, юридик шахс тугатилганда кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбатга мувофиқ қаноатлантирилади:

- биринчи навбатда ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

- иккинчи навбатда меҳнат шартномаси, шунингдек контракт асосида ишлаётган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва таътилга чиқиш ва муаллифлик шартномаси бўйича тўловлар учун ҳисоб-китоблар;

- учинчи навбатда тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки билан қопланган гаров мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилади;

- тўртинчи навбатда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар бўйича қарзлар қопланиши лозим;

- бешинчи навбатда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа кредиторларнинг талаблар қаноатлантирилади.

Ҳар бир навбатдаги талаблар олдинги талаб тўлиқ қаноатлантирилганидан сўнггина қопланиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгиланган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулк кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, мол-мулк тегишли навбатдаги (фақат битта навбатдаги кредиторлар) кредиторлар талаблари суммасига пропорционал равишда тақсимланади.

«Банкротлик тўғрисида» ги қонуннинг 134-моддасида кредиторларнинг талабларини қондириш навбатлари санаб ўтилган бўлиб, унга кўра:

- суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш

қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади;

- мажбурий тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил – тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари биринчи навбатда қондирилади;

- мажбурий суғурта бўйича талаблар, шунингдек банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар иккинчи навбатда қондирилади;

- кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари учинчи навбатда қондирилади;

- кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари тўртинчи навбатда қондирилади;

- акциялар эгаларининг талаблари бешинчи навбатда қондирилади.

- қолган барча талаблар олтинчи навбатда қондирилади.

Тугатиш комиссияси томонидан кредиторларнинг талабини қаноатлантириш рад этган ёки уни қаноатлантиришдан бўйин товлаган тақдирда кредиторлар тугатиш баланси тасдиқлагунга қадар судга тугатиш комиссиясига нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли.

ФКнинг 56-моддасининг бундай баён этилиши келажакда кредиторларни талабини қондиришда турли низоларнинг олдини олиш

билан бирга тугатиш комиссияси фаолиятини ҳам мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Юридик шахснинг бекор бўлиши ҳуқуқ субъектчилигига нисбатан иккита ҳолатни вужудга келтиради. Биринчисида янги ҳуқуқ субъекти вужудга келса, фақатгина ҳуқуқ субъекти бекор бўлади ва янги юридик шахс вужудга келмайди.

Қайта ташкил этиш шаклидаги бекор бўлишда янги субъект вужудга келса, тугатишда ҳуқуқ субъекти барҳам топади. Масалан қўшиб юбориш, қўшиб олишда битта янги юридик шахс вужудга келса, ажралиш ва бирлашишда икки ёки ундан ортиқ янги юридик шахс вужудга келади. Таъкидлаш лозимки, қайта ташкил этишнинг умумий қондаси сифатида бекор бўлишнинг бу усули амалга оширилганда қайта ташкил этилаётган юридик шахс бекор бўлиши лозим. Акс ҳолда қайта ташкил амалга оширилмайди. Зеро, қайта ташкил этиш деганда бир субъект барҳам топиб унинг ўрнига иккинчисининг вужудга келиши тушинилади.

Юридик шахслар бекор бўлиши натижасида вужудга келишиш мумкин бўлган ҳолатлардан бири юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ўзгаришидир. Масалан, қўшиб юборилганда вужудга келган янги субъектнинг номи ўзгаришидан ташқари, унинг фирма номи ўзгармасдан фақатгина фаолиятининг ҳажми ва ваколатларининг доираси кенгайиши мумкинлиги фикримизнинг далилдир. Шу билан бирга юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариши ҳам мавжуд субъектнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартиради. Ташкилий-ҳуқуқий шакл ўзгарганда юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми янгиланади холос, яни, АЖ МЧЖга ёки қМЖга айлантирилиш мумкин.

Бекор бўлиш жараёни фақатгина юридик шахснинг муассислари ёки органлари иштирокида эмас учинчи шахслар иштирокида амалга оширилади ва ҳамма вақт давлат органи томонидан қайд этилади. Бу эса юридик шахснинг бекор бўлиши унинг вужудга келиши каби муайян тартибда амалга оширилиши ва тегишли тартибда расмийлаштиришни талаб қилади. Агар

қайта ташкил этишда умумий ҳолатларда рўйхатдан ўтказувчи давлат органи юридик шахсни бекор қилишда муносабатларида қатнашса, бекор бўлиш жараёнида учинчи шахслар бевосита иштирок этадилар. Бундай иштирок тугатиш комиссияси орқали ёки бошқарувчи орқали амалга оширилади.

Юридик шахс қайта тақсимланган ҳуқуқий ворисликни таъминлаш ва қайта ташкил этилган юридик шахснинг мол-мулк ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг кейинги тақдирини белгилаш мақсадида топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси тузилади. Бунда қайта ташкил этишнинг қайси шакли орқали бекор бўлиш амалга оширилаётганлигига қараб, бўлиш ва ажратишда тақсимлаш баланси тузилса, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартиришда топшириш ҳужжати тузилади.

ФКнинг 51-моддасига мувофиқ, топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

В.А.Егiazаровнинг фикрича, тақсимлаш баланси бўйича мол-мулк барча актв ва пассивларни, ўтказиш муддатигача бўлган вақтга қадар юридик шахс томонидан олинган жорий йил учун даромадлар ва харажатлари билан бирга берилади¹⁰⁸.

Дарҳақиқат, тақсимлаш балансида қайта ташкил этиш ҳақидаги қарор қабул қилинган йиллик молиявий режада кўзда тутилган асосий ва айланма маблағларни ҳам ифодалайди.

Топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат

¹⁰⁸ Комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации./Отв. ред. О.Н.Садиков.-М.: Юринформцентр, 1997.-95-96 с.

рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

Таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишинча топшириш ҳужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келади (ФКнинг 51-моддаси 2-3-қисмлари).

Қайта ташкил этилиши натижасида вужудга келган янги юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Умумий қоидага кўра, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида эса, қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс тугатилганда юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилади ва шу пайтдан юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Юридик шахснинг бекор бўлиши юридик факт сифатида вужудга келтирадиган ҳуқуқий оқибатларнинг кенг қамровли ва юридик шахс турлари каби турли-тумандир. Лекин мана шундай кенг қамровлилик ва ранг-баранглик муайян умумий қоидаларга ва мезонларга асосланади. Бекор бўлиш натижасида «юридик шахс» - деб номланадиган субъектнинг мақоми ўзгаради ёки у бутунлай фаолиятини тамомлайди. Шу билан бирга бекор бўлиш ҳар доим юридик шахслар фаолиятига барҳам берилишига олиб келадики, бу мазкур институтнинг энг муҳим жиҳатидир.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишини ёритишда қуйидаги илмий-назарий хулосаларга ва амалий тавсияларга келинди:

1. Фикримизча, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддаси ва «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 51-моддаси номланишини ўзгартириш ва «жамият қўшиб олиш» - деб номлаш ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 97-моддаси мазмунини ФКнинг 49-моддаси талабларига мос равишда «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида» ги қонуннинг 51-моддасидаги каби таҳрирда ифодалаш лозим.

2. Назаримизда ФКнинг 49-моддасидаги «ўзгартириш» атамаси «ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг ўзгартирилиши» - деб номланиши керак.

3. ФКнинг 53-моддаси 2-қисми биринчи бандида белгиланган «юрidik шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юрidik шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида» жумласи, ушбу модда 2-қисмининг иккинчи бандига ўтказилиш лозим. Бундай ўзгариш юрidik шахсни тугатишнинг мажбурий ушбу асосини мажбурий тартибда бекор бўлиш асослари жумласига киритган бўлар эди. Зеро, юрidik шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юрidik шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида тугатиш юрidik шахсни мажбурий тартибда тугатиш асоси ҳисобланади.

4. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 97-моддасида белгиланган «бирлаштириш» нормасини чиқариб ташлаш лозим. Чунки, бу норма ФКнинг 49-моддаси талабларига зиддир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.-Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -786 б.
2. И.А.Каримов . Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. - 114 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. - 48 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 412-б.
5. И.А.Каримов Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 246 б.
6. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 246 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва барқарорлик кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эрки ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -112 б.

II. Қонун ҳужжатлари:

1. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар:

А) Конституция ва кодекслар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2003. - 44 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Тошкент: Адолат. 2007. –520 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.–Т.:Адолат.2007.–327 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.: Адолат. 2005. –299 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.—Т.:Адолат.2007.—249 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. —Т.: Адолат. 2007. —240 б.

Б) Қонунлар:

1. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги қонуни (1990 й. 31 октябр) //Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990. №31-33. 371м.
2. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўғрисидаги қонуни (2001й. 6 декабр). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. 1-сон. 13м.
3. Ўзбекистон Республикасининг Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни (1994й. 5 май). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994. 5-сон. 136-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонуни (1993й. 7 май). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. 5-сон. 232-м.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонуни (1993й. 7 май). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 6-сон, 252-м.
6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистикаси тўғрисидаги қонуни (1993 й. 2 сентябр). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 9-сон, 327-м.
7. Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни (1996 й. 26 апрел.)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон. 61-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонуни (1996 й. 27 декабр).

//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 2-сон. 54-м.

9. Ўзбекистон Республикасининг Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонуни (1997 й. 24 апрел). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 4-5 сон. 108-м.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонуни (1998. 30 апрел). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6-сон. 86-м.
11. Ўзбекистон Республикасининг Дехқон хўжаликлари тўғрисидаги қонуни (1998. 30 апрел). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6-сон. 88-м.
12. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни (1998 й. 29 август). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-м.
13. Ўзбекистон Республикасининг маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш тўғрисидаги қонуни (1998 й. 29 август). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 178-м.
14. Ўзбекистон Республикасининг Реклама тўғрисидаги қонуни (1998 й. 25 декабр). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 1-сон. 14-м.
15. Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик ва тадбирлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни (1999 й. 14 апрел). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 5-сон. 106-м.
16. Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуни (1999 й. 14 апрел). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 5-сон. 115-м.
17. Ўзбекистон Республикасининг Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонуни (1999 й. 19 август). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 10-сон. 320-м.

18. Ўзбекистон Республикасининг Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуни (1991 й 15 феврал). //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. 2-сон. 21-м.
19. Ўзбекистон Республикасининг Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуни (1996 й 26 декабр) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон. 56-м.
20. Ўзбекистон Республикасининг Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисидаги қонуни (2001 й 6 декабр) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. 1-сон. 6-м.
21. Ўзбекистон Республикасининг Хусусий корхона тўғрисидаги қонуни (2003 й 11 декабр) // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 3-сон, 28-модда.
22. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири 24.04.2003 йилда қабул қилинган)

В) Қонуности ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июлдаги №ПФ-2331 сонли «Молия-хўжалик фаолиятни амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни хабардор қилиш тартиби тўғрисида» ги қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни хабардор қилиш тартиби тўғрисида» ги Низом

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 сентябрдаги №398-сонли қарори билан тасдиқланган “Холдинглар тўғрисида” ги Низом
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги №327-сонли «Молия-хўжалик фаолиятни амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги №327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида» ги Низом.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги №336-сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида» ги қарори.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 июндаги 294-сон қарорига 1-илова «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида» ги Низом.
8. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан 1999 йил 27 июлда «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқловчи мезонлар тизими тўғрисида» ги №12-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш» Тартиби
10. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан 1999 йил 25 ноябрда тасдиқланган «Ишончли шахс тўғрисида» ги Низом.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида» ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. 42-сон, 417-модда.

IV. Илмий адабиётлар:

1. Монографиялар, дарслик, ўқув қўлланмалари.

1. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Тошкент: ТДЮИ, 2000.- 576 б.
2. Долинская В.В. Акционерное право.-М.:1997.-258 с.
3. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 1997.-296 б.
4. Имомов Н.Ф. Фуқролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.-132 б.
5. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-162 с.
6. Миронова М. Реорганизация и ликвидация юридических лиц: правовые аспекты.-М.:Гарант-Сибирь, 1999. -355 с.
7. Раҳманкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право.-Тошкент:ТГЮИ, 2004.-707 с.
8. Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2005. -336 б.
9. Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.- 322 б.
- 10.Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари.-Тошкент:ТДЮИ, 2003.-49 б.
- 11.Саид-Ғазиева Н.Ш.Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш.-Тошкент:ТДЮИ, 2005.-136 б.

12. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (П-қисм)/Ҳ.Раҳмонқулов ва И.Зокировларнинг умумий таҳрири остида.- Тошкент: Адолат, 1999.-559 б.
13. Хозяйственное право./Под.ред.В.В.Лаптева.-М.:Юридлит, 1983. -528 с.
14. Чубаров С.А. Правопреемство при реорганизации юридических лиц.- М.:Гарант-Парк, 1998.-425 с.
15. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-178 б.

2. Илмий мақолалар:

1. Асьянов Ш. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати.//Хўжалик ва ҳуқуқ.- Тошкент, 1996. -№10-11.-Б.17-19.
2. Беляева О. Реорганизация и ликвидация унитарных предприятий: вопросы судебно-арбитражной практики// Хозяйство и право.-Москва.2004.-№10.-С.121-128.
3. Витрянский В. Порядок удовлетворения требований кредиторов первой очереди при банкротстве должника.//Хозяйство и право. – Москва. 2007. - №1.-С.48-55.
4. Гулямов С.С. Некоторые проблемы регулирования процессов реорганизации акционерных обществ в Узбекистане. //Обзор законодательства Узбекистана. – Тошкент, 2004. -№4.-С.13-16.
5. Коровайко А. Договоры о слияние и присоединении хозяйственных обществ. // Хозяйство и право.- Москва. 2001.-№2.-С.53-55.
6. Кудрявцев Е.И. Проблемы правопреемства при реорганизации юридического лица и необходимость принятия закона «О реорганизации юридических лиц» //Обзор законодательства Узбекистана.-Тошкент, 2004.- №4.-С.16.
7. Мирхамидов М.М. Банкротликни тартибга солувчи ҳуқуқий тизимларнинг асосий тамойиллари.// Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили.-Тошкент, 2005. - №1-2. -Б.24-28.

8. Молева Е. Практика ликвидации юридических лиц (коммерческих организаций). // Хозяйство и право.-Москва. 2000. -№9. -С.104-106.
9. Н.Лопаева. Особенности банкротства физического лица.//Хозяйство и право. – Тошкент, 1999. -№3. -С.80-82.
- 10.Степанов Д. Формы реорганизации коммерческих организации: вопросы законодательной реформы.// Хозяйство и право.- Москва. 2001.-№4.-С.43-53.
- 11.Соцкова А.В. Некоторые вопросы реорганизации акционерных обществ.//Юридический мир. – Москва. 2006. -№1. -С.40-43.
- 12.Суханов Е. Реорганизация акционерных обществ и других юридических лиц.//Хозяйство и право. – Москва. 1996. -№1.-С.14-19.
- 13.Тошев О. Акциядорлик жамиятлари бекор бўлишида мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати. / «Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент:ТДЮИ, 2005.-Б.104-109.
- 14.Ҳасанов Н. Корхоналарни санациялаш тартиби.//Хўжалик ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2001. -№5.-Б.27-29.
- 15.Холбоев С. «Банкротлик тўғрисида»ги қонунни амалиётга татбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. -№8.-Б.13-15
- 16.Шукруллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. //Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999.-№6.Б.46-48.
- 17.Шукруллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари.// Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001. -№5.-Б.43-48.
- 18.Эрназаров У. Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. -№10.-Б.29-32.

3.Диссертациялар, диссертацияларнинг авторефератлари:

1. Ал-Марашдех Маджет Ахмед Халаф. Хозяйственное товарищество по законодательству Иордании: Автореф. дисс....канд. юрид. наук.-Тошкент:1999. -26 с.
2. Боротов М.Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатни фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги мақомининг ўзига хос хусусиятлари: Юрид. фан. номз....дисс. Автореф.-Тошкент: 2005. -26 б.
3. Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Автореф. дис....докт. юрид. наук.-Тошкент : 2005.-43 с.
4. Холбоев С.Б. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ ҳуқуқӣ лаёқати: Юрид. фан. номз....Дисс.-Тошкен:1994.- 147 б.
5. Шукруллаев А.Х. Гражданско-правовое регулирование реорганизации и ликвидации сельскохозяйственных предприятий. Автореф. дис....канд. юрид. наук.-Тошкент: 2001.-26 с.